

O'zingni angl!

HURRIYAT

1996-yil dekabrda
chiqa boshlagan

MUSTAQIL GAZETA

№ 41

(1103)
2018,
3-OKTYABR
chorshanba
hurriyat.uz

Холис назар

Мухбиримиз Адиба УМИРОВА:
"Баъзида биргина танқидий фикр
жамиятимиз раънақига тўсиқ бўлиб
турган қанчадан-қанча
муаммолар тугунини
ечиши мумкин..."



3 → **Замонавий ривожланиш омили**

Ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги буюк депрессия, кейин Иккинчи жаҳон уруши бу ғояни амалга оширишни орқага суриб юборди.

4 → **ОБУНА: мажбурият эмас, зарурат!**

Аслида газета ҳам китоб сингари маърифат манбаи эмасми? Бу ҳам ҳаётинг эҳтиёж, зарурат эмасми, аслида?

6 → **Кулранг бўри**

Бўри бир қонга беланиб ётган қўйга, бир чўпонга қаради. Қўй энди ўзининг ўлжаси эканлигини ҳис қилди чоғи, ўрин чўпонга қараб юрди.

► Халқ билан мулоқот

Раҳбарларда ташаббускорлик етишмайди

Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 51 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги 31 минг 865 хонадон ўрганилиб, уларда 5 минг 600 дан зиёд муаммо мавжудлиги аниқланган. Ўрганишлар жараёнида умумий мурожаатларнинг 86,7 фоизи жойида бартараф этилган.

Масъуд СУЛАЙМОНОВ

ЎзА мухбири

Маҳалла ва оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этишга қўмаклашиш бўйича Республика ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда бу ҳақда батафсил маълумот берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси У.Исмоилов ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирок этган йиғилишда мамлакатимиз тараққиётининг бугунги янги босқичида катта ва жўшқин ҳаёт оқимидан четда туриш эмас, аксинча, одамларни рози қилиш — ҳар бир раҳбар фаолиятининг асосий мезони бўлиши даркорлиги таъкидланди.

— Муаммолар тумандаги тўртта сектор раҳбари ўзига бирикти-

” МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БУГУНГИ ЯНГИ БОСҚИЧИДА КАТТА ВА ЖЎШҚИН ҲАЁТ ОҚИМИДАН ЧЕТДА ТУРИШ ЭМАС, АКСИНЧА, ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ — ҲАР БИР РАҲБАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИ БЎЛИШИ ДАРКОР.

рилган ҳудудда халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўймагани, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда ташаббускорлик кўрсатмаганидан далolat, — деди У.Исмоилов. — Демак, тумандаги тўрт сектор раҳбарлари фаолияти умуман қониқарсиз.

UZBEK COMMODITY EXCHANGE



Ўзбекистондаги "SAS-Tobe Technologies" компанияси бошқаруви раиси Максат Қирғизбоев

Ш.ШОХИДОВ ФОТОСИ

Ҳамкорликнинг уфқлари кенг

Жобир ХУҲАҚУЛОВ

"Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси" АЖда Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда биржа савдоларида Қозоғистон компанияларининг иштироки ва импорт товарларни сотиш бўйича янги механизмни яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Иқтисодиёт вазирлиги, Божхона, Солиқ қўмитаси, Рақобат қўмитаси,

«Commerzbank AG»нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Трастбанк» ХАБ, шунингдек, Қозоғистон Республикасининг Миллий банки, «Bank RBK» АЖ ва цемент ишлаб чиқарувчи заводлари вакиллари иштирок этди.

► Долзарб мавзу

Қиш яқин: Газ ёқамизми, ўтин?

Замон шиддат билан илгарилаб бораётган бугунги кунда ҳар бир соҳани инновацион ғоялар ҳамда технологияларнинг янги авлоди орқали ривожланиш босқичига олиб чиқиш мумкин. Жўрий йилнинг "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб номланиши, шу асосида давлат дастурининг ишлаб чиқилишида ҳам ана шу мақсад илгари сурилган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун янги фикр, янги ғоя, инновацияга таянган мамлакат ютади.

"Ўзтрансгаз" АЖ фаолияти кўп йиллардан буён қатор муаммолар гирдобидан қолиб кетди. Аҳоли орасида ушбу ташкилотга, жумладан, газ тақсимотида бўлган ишонч анча сусайди. Жамият жорий йил давлат дастури асосида қандай ишларни амалга оширмақда? Газ тақсимоти бўйича аҳолига қандай қулайлик яратиб, иқтисодиётга қай даражада ҳисса қўшяпти? Саволларимизга "Ўзтрансгаз" АЖ бошқарма бошлиғи Акмал ЭШОНҚУЛОВ қуйидагича жавоб берди:

► Обуна — 2019

Газета ўқиган
узоқни кўради!
Зиёли аҳлининг
севимли газетаси
"HURRIYAT" да
чоп этилаётган
материаллар
ДОИМО
ДОЛЗАРБ,
ДОИМО
ҚИЗИҚАРЛИ ва
ДОИМО
МАЪРИФАТЛИ.



"HURRIYAT"
ДОИМИЙ
ҲАМРОҲИНГИЗ
БЎЛСИН!

ОБУНА ИНДЕКСИ — 233

► Хориж тажрибаси

Шундай гап бор — тараққиёт манзили сари ошиқатган жамиятда инсон ақлу заковатисиз ўз ўрнига эга бўлиши амри маҳол. Ривожланган мамлакатларнинг тараққиёт йўлига назар ташласак, уларнинг аксари илм-фан ривожи ва иқтидорли ёшлари билан шу даражага етганига гувоҳ бўламиз. Зеро, буюқлар айтишганидек, бугун катта моддий бойликларга эга ўлкалар эмас, иқтидорли ва салоҳиятли ёшлари бор давлатларгина чинакам фаровонликка эришмоқда.

Фикрлайдиганлар мамлакати

Гўзал ТУРСУНПҲЛАТОВА

шарҳловчи

БОЙЛАР ҚАЙДАДУР?

Юртимизда сўнгги йилларда, айниқса ўтган икки йил мобайнида таълим соҳасида рўй бераётган янгиликларни айтиб адоғига етолмайсиз. Аввало, фарзандларимиз келажакнинг пойдевори бўлмиш мактабгача таълим муассасалари Халқ таълими вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, Мактабгача таълим вазирлигига бириктирилганининг ўзи — катта воқеа. Куни кеча эса Президентимизнинг "Мактабгача таълим тизimini бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан мазкур Вазирлик негизда Ахборот ва педагогика технологиялари инновацион маркази, Иختисослаштирилган лойиҳа-изланиш инс-

титуту, Инфратузилмани ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси ҳамда Мактабгача таълими ривожлантириш жамғармаси ташкил этиладиган бўлди. Яқин орада мазкур бўғинда йўлга қўйилиши кутилаётган Интеграциялашган мониторинг электрон тизimini ҳам қўнчилик қизиқиш билан кутмоқда. Чунки мазкур электрон тизим давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, таълим-тарбиянинг асоси, ўзига хос ойнаси бўлади. Ундаги маълумотларни кузатиш, таҳлил қилиш орқали таълим-тарбияда йўл қўйилаётган камчиликлар ва бу борада нималарга эътибор қаратиш зарурлиги аниқланади.

Банклар ғолибаларни чорлайди

Тадбиркор аёллар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнес ғояларини амалга оширишда қўмаклашиш мақсадида "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ва Ўзбекистон банклар ассоциацияси томонидан ташкил этилган «Анор — 2018» кўрик-танлови ғолибаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Назокат ЮСУФЖОНОВА

Ишлаб чиқариш, фермерлик ва аҳолига хизмат кўрсатиш йўналишлари бўйича ўтказилган танловда республикамизнинг турли ҳудудларида тадбиркорлик фаолиятини барқарор ривожлантираётган, йил давомида муайян ютуқларни қўлга киритган, янги иш ўринларини барпо этган, жамият ривожига салмоқли ҳиссасини қўшган юзга яқин тадбиркор хотин-қиз иштирок этди.

— Танловни ташкил этишдан қўзланган асосий мақсад юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ўзбек тадбиркор аёли имижини мустаҳкамлашга қўмаклашишдир, — дейди Республика Тадбиркор аёллар ассоциацияси раиси Гулнора Маҳмудова. — Танлов ғолибаларни аниқлашда тадбиркор аёлла-

римиз томонидан ташкил этилган корхонанинг истикболли ривожланиши, бизнес режаси, умумий ишловчилар сони, инновацион ғояларнинг қўлланиши, даромад ва экспорт кўрсаткичлари каби мезонларга алоҳида аҳамият қаратилди. Биринчи ўринни Лайлибону Жўраева, иккинчи ўринни Шахло Шарапова, учинчи ўринни Наргиза Исмолова эгаллади. Олий ўрин "Je talme" тўй либослари салони раҳбари Назокат Ҳайитметовага насиб этди.

Кўрик-танлов ғолибалари мамлакатимиз тижорат банкларининг имтиёзли кредитларидан фойдаланиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тадбирда Республика маданият муассасалари фаолиятини ташкил этиш илмий-методик маркази мутахассислари томонидан тайёрланган мусиқий дастур намойиш этилди.

"Декамерон" домла

Ресторанда учрашдик. Тадбиримизга таклиф этилганлар қаторида "Декамерон" домла ҳам келибди. Майли-да. У ҳамон талабаларга хориж адабиётини ўтар экан...

КЕЙИНГИ СОНЛАРДА:

Гдланининг миллионлари: афсонами, ҳақиқат?

"Гдлян — Иванов" тергов гуруҳининг Ўзбекистондаги хунрезликларига қарши очилган жиноят иши нега ёпилди?

Мен доим катта гапираман

Ўша кеча гурунгни қилдик. Уйқуни урдик. Эрталаб бозорга чопдик. Югургилаб, савдо жойимизга келсак, ҳамма нарсамиз қўйган жойимизда турибди.

Раҳбарларда ташаббускорлик етишмайди

Тадбиркорлик ва экспорт фаолиятини ривожлантириш, ишсизликка барҳам бериш, бўш турган объектлардан самарали фойдаланиш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик каби муҳим йўналишларда туман раҳбарларида ташаббускорлик етишмайди. Маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати сезилмапти, оилавий ажримлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятларни барвақт аниқлашда ақсарият маҳалла раисларининг фаолияти талабга жавоб бермайди.

Йиғилишда табиий ва суолтирилган газ таъминоти, электр энергияси, тоза ичимлик суви ҳамда ички йўллар, кўп қаватли уйлар ҳолатини яхшилаш, аҳоли саломатлиги, халқ таълими ва мактабга таълим, хотин-қизлар ва оилалардаги иқтисодий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ваҳоланки, мазкур ишларни тўрт сектор раҳбари ташаббуси билан амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд бўлгани таъкидланди. Биргина тадбиркорликни ривожлантириш ва банк кредити ажратиши буйича 244 масала кўтарилди, қарийб 92 фоиз муурожаатлар қисқа фурсатда ҳал этилди. Хусусан, "Хар бир оила — тадбиркор" дастури асосида 82 оилага 1 миллиард 914,8 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди. "Ёшлар — келажакимиз" давлат дастури доирасида 7 нафар ёш тадбиркорга 335 миллион сўм миқдорда кредит ажратилишига эришилди. Шунингдек, 151 нафар фуқаро ва тадбиркорлик субъектига 2 миллиард 366,2 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиш буйича ҳужжатлар тайёрланди.

Туманнинг "Дўстлик", "Шодлик", "Фурқат" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида жойлашган кўп қаватли уйлар тўлиқ хатловдан ўтказилди ва аниқланган камчиликларни бартавраф этиш буйича дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланиши режалаштирилди. Бугунги кунда вилоят ҳокимлиги кўмағида кўп қаватли уйларнинг фасад ва том қисмини таъмирлаш, болалар майдончалари, коммуникация тармоқлари барпо этиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар натижасида кўп қаватли уйларда яшовчи 3 мингдан зиёд аҳоли-ияш яшаш шароити яхшиланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, йиғилишда Тошлоқ тумани ва вилоятда куз-қиш мавсумига тайёргарлик борасида белгиланган вазифалар, амалга оширилмаётган саъй-ҳаракатлар танқидий таҳлил қилинди. Ижтимоий соҳа объектларини мавсумга тайёрлаш, табиий ва суолтирилган газ, кўмир таъминоти ҳамда айна йўналишда тижорат банклари кредитини ажратиш буйича йўл қўйлаётган сустанчиликлар кескин танқид остига олинди.

Бугунги кунда туманлар марказларини замонавий шаҳарсозлик меъморчилиги асосида янгилаш борасида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Аммо Тошлоқ тумани раҳбарларида ушбу йўналишда ҳам ташаббускорлик йўқ. Туман марказий деҳқон бозори қурилиши ишлари ҳалигача ниҳоясига етказилмаган, транспорт қатнови тирбандлиги ва ноқонуний қурилишларга барҳам бериш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Йиғилишда Тошлоқ туманида Республика ишчи гуруҳи томонидан аниқланган муаммоларни тўлиқ қамраб олган ҳолда "Йўл харитаси" ишлаб чиқиш ва унинг қатъий ижросини таъминлаш буйича муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қиш яқин: Газ ёқамизми, ўтин?



— Президентимизнинг халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган ғояларига таянган ҳолда тизимда инновация, нау-хауларни татиқ этиш, модернизациялаш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш жараёнлари изчиллик билан олиб борилган. Айна пайтда энг самарадор ва истиқболли етти та инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳаларни жорий этиш аввалида бир қатор хоржий давлатларнинг илғор тажрибаси ўрганилди, таҳлил қилинди.

Биринчи лойиҳа — газ транспорти тизимида диспетчерлик бошқаруви ва маълумотлар йиғимининг автоматлаштирилиши (SCADA — Supervisory Control And Data Acquisition) деб номланади. Мазкур дастур дунёнинг кўпгина давлатларида кенг қўлланилади. Бу газ транспорти тизимида маълумотларни реал вақтда қабул қилиш ва қайта ишлаш имконини беради. Шунингдек, технологик жараёнларни мантқиқий бошқаради, яъни маълумотларни диспетчерлик бошқарувида автоматик равишда узатиб беради. Магистрал газ қувурларида содир бўлган авария ҳолатлари ҳақида аниқ вақтда хабардор қилади.

Иккинчи лойиҳа — табиий газни ишлаб чиқарувчи корхоналардан то истеъмолчигача бўлган ҳисоби ва назоратнинг беш босқичли автоматлашган тизимдан (АСКУГ) иборат. Ушбу тизим амалда бўлиб, унда, аввало, ишлаб чиқарувчи корхоналар ва магистрал газ қувурлари бошқармаларининг бўлимини чегараларига замонавий электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилди. Сўнг диспетчерлик бошқаруви тизимига уланади. Иккинчи босқичда газ тақсимлаш марказлари ва вилоятлардаги газ филиалларининг юқори босимли газ қувурлари чегарасига ҳам шундай газ ҳисоблагичлар ўрнатилган. Ундаги маълумотлар эса он-лайн режимида диспетчерлик хизматларига узатилади. Навбатдаги босқичда туманлараро чегараларга ўрнатилган электрон газ ҳисоблагичлар ҳар бир туман ва шаҳарга кириб келаётган газнинг аниқ ҳисобини белгилаб беради. Эндиликда ана шу бўлиниш чегараларига ўрнатилган электрон газ ҳисоблагичларига замонавий алоқа тизимларини ўрнатиш ва муайян тартиб асосида диспетчерлик хизматлари орқали жараённи мониторинг орқали кузатиш буйича синов ишлари олиб борилмоқда. АСГУК тизимининг яна бир афзаллиги шундаки, йирик sanoat корхоналарига ўрнатилган замонавий электрон газ ҳисоблагичлар он-лайн тартибда назорат қилинади. Ушбу тизимнинг якуний босқичида эса, замонавий газ ҳисоблагичларни ҳар бир аҳоли хонадонига ўрнатиш кўзда тутилган. Сўнг барча электрон газ ҳисоблагичлар ягона "Биллинг" тизимига уланади. Беш босқичли ушбу автоматлашган тизимни ўз ичига олган лойиҳанинг амалга



оширилиши ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача етказилган табиий газ ҳисобини аниқ вақтда юритиш имконини беради, ишлаб чиқаришда оптикча харажат ва чиқим камаюди.

Учинчи лойиҳа — компрессор марказларидаги газ ҳайдаш агрегатларининг двигателларидан ажралиб чиқатган иссиқлик энергиясидан унумли фойдаланиш назарда тутилган. Яъни, ушбу иссиқлик энергиясидан электр энергиясини ишлаб чиқариш режалаштирилган. Мазкур инновацион лойиҳа буйича ҳозирги кунда Италиянинг "TURBODEN" компанияси билан ҳамкорликда иш олиб бориляпти. Айна пайтда Андижон вилоятидаги "Хўжаобод" ер ости газ сақлаш омборларининг газ ҳайдаш агрегатларида амалий ишлар бошлаб юборилган. Бунда газ трубинали компрессор марказида табиий газнинг ёқилишидан ҳосил бўладиган кўп миқдордаги иссиқлик энергиясидан соатига 1,0 МВт ёки йилига 3,0 миллион кВт-соат электр энергиясини ишлаб чиқаришга эришилади. Ушбу технологиянинг яна бир афзаллиги шундаки, унда сув ўрнида паст ҳароратли суоқлик ишлатилади ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари учун деярли текин электр энергиясидан фойдаланилади. Бу инновацион лойиҳани 2025 йилга қадар яна тўртта объектга татиқ этиш ва йиллик электр энергиясини ишлаб чиқаришни 200 миллион кВт/соатга етказишни мўлжаллаб турибми.

Тўртинчи лойиҳа — инсон қадами етиши қийин ҳудудларни назорат қилиш учун дроноларга эҳтиёж сезилади. Шу боис газ транспорти тизими ишончилигини ошириш мақсадида замонавий инновацион диагностика қурилмаларига эга пилотсиз учуш ускуналарини харид қилляпти. Булар ёрдамида магистрал газ тармоқларини техник талаблар асосида ўз вақтида сифатли қўриқдан ўтказиш, улардаги нуқсонли участкаларни белгилаш, магистрал газ қувурлари ҳимоя зоналарида ноқонуний қурилмаларни аниқлаш имкони яратилди. Яна бир афзаллиги, соҳани қўриқдан ўтказишга масъул ходимлар иши енгиллашади. Шунингдек, компрессор марказлари, газ тақсимлаш станциялари ва бошқа объектларнинг техник ҳолатлари қўриқдан ўтказилади. Ноқонуний уланмалар аниқлиб, бар-

тариф этиш самарадорлиги ошади. **Бешинчи лойиҳа** — газ тақсимлаш марказларида табиий газни одаризация қилиш (ҳўд бериш)ни автоматлаштириш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида табиий газ етарли миқдорда белгиланган меъёр доирасида одаризация қилинади ва инсонлар газнинг сизиб чиқиш ҳолатларида қурилма ёрдамида тезда огоҳлантирилади. Биласиз, табиий газ аслида ҳидсиз бўлиб, ундан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида белгиланган меъёр буйича 1000 куб метр табиий газ ҳажми учун 16 грамм одарант (ҳўд берувчи модда) қўшилади. Тизимнинг автоматлаштирилиши иш жараёнларида хавфсизликни таъминлаб, импорт қилинадиган маҳсулотни тежайди.

Олтинчи лойиҳа — газ тармоқларини инновацион лойиҳалар асосида модернизация ва реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу лойиҳа АСКГУК тизимининг бир бўлаги бўлиб, унда газ тақсимоти тизимидаги жараёнлар назорати автоматлаштирилади. Шу орқали аҳоли хонадонларидаги табиий газ босими буйича юзага келадиган муаммоларга барҳам берилади. Аввал бизда уч йил газ босими бўлган паст, ўрта ва юқори. Эндиликда паст босимдан воз кечилиб, янги технологиялар орқали юқори босимни ўрта ҳолатга келтириб, истеъмолчига етказиш кўзда тутилган. Ушбу инновацион лойиҳани амалга ошириш, синовдан ўтказиш учун республикамизнинг турли ҳудудлари танлаб олинган. Ҳозирги пайтда лойиҳа Қўриқ туманидаги Усмон Юсупов номи, Юқори Чирчиқ туманидаги "Шижоат", Самарқанд шаҳридаги "Аҳиллик", Жиззах шаҳрининг "Равақил" ва "Учарик" маҳаллаларида амалга оширилмоқда. Мисол учун, Қўриқ тумани Усмон Юсупов номи маҳаллада истеъмолчиларни табиий газ билан таъминловчи ўрта босимли олтига газ тақсимлаш пункти олиб ташланди. Фақат битта юқори босимли газ тақсимлаш пункти қолдирилди. Мазкур пунктга автоматлаштирилган диспетчерлик назорат тизими ўрнатилди. Айна пайтда маҳаллага киратган табиий газ босими, ҳарорати тўғрисида "Қўриқтумангаз" диспетчерлик хизматига он-лайн режимида маълумот

бериб борилмоқда. Газ тақсимлаш пункти фаолиятига ташқи томондан аралашув бўлганда, диспетчерлик хизматига хабар берилади. Бундан ташқари, маҳалладаги икки юзта аҳоли хонадонига замонавий электрон газ ҳисоблагичлари ўрнатилиб, автоматлаштирилган тизимга уланади. Бунда электрон газ ҳисоблагичлар он-лайн режимида истеъмол қилинаётган газ ҳажми буйича "Биллингга" дастурига маълумотлар киритиб боради. Ушбу газ ҳисоблагичларга махсус клапанлар ўрнатилган бўлиб, улар масофадан туриб, қарздорлиги мавжуд хонадонларни газ таъминотидан узиб қўйиш имконига эга. Бу ишларни назорат қилиш учун "Қўриқтумангаз" диспетчерлик хизматига кўрғазмалли мониторинг ўрнатилган бўлиб, тўртта бўлимга ажратилган. Биринчи бўлимда газ тақсимлаш станцияси (ГРС)дан туманга кириб келаётган табиий газ кўрсаткичлари, иккинчи бўлимда эса юқори босимли газ тақсимлаш пунктдан (ГПП) маҳаллага кириб келаётган табиий газ кўрсаткичлари он-лайн режимида назорат қилинади. Учинчи бўлимда "Қўриқтумангаз" идораси автомашиналари GPRS — махсус тизими орқали назорат олиб борилади. Тўртинчи бўлимда истеъмолчиларнинг табиий газ истеъмоли ҳажми он-лайн режимида кузатилади ва қарздорлиги мавжуд хонадонлар масофадан туриб тармоқдан ўчирилади. Тўловларни амалга оширган истеъмолчилар эса тармоққа қайта уланади.

Еттинчи лойиҳа — суолтирилган газ таъминотида янги инновацион тўлов тартибини жорий этишдан иборат. Ҳозир республикада ҳамми 3,1 миллион истеъмолчиларга суолтирилган газ етказиб берилмоқда. Аммо айрим ҳолларда бундай таъминот аҳолининг ҳақли ётирозларига сабаб бўлаётгани ҳам сир эмас. Худди шундай муаммоларни бартавраф этиш мақсадида эндиликда суолтирилган газ етказиб беришнинг ҳам автоматлаштирилган тизими жорий этилмоқда. Бунда ҳар бир истеъмолчи ҳисоб-китоб учун индивидуал электрон карта билан таъминланиб, махсус дастурга уланади. Бу истеъмолчига етказиб берилган суолтирилган газ ҳажми, муддати ва ҳисобини масофадан туриб кўриш имконини беради. Яъни, газ баллонлари етказилишида доимий назоратни таъминлайди. Ушбу лойиҳа жорий йилнинг якунига қадар Сайхунобод туманида тажриба сифатида ўрганиб чиқилади. Натижалар қўрилганидек бўлса, келгусида республика бўйлаб жорий этилиши кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, янги инновацион лойиҳалар ва технологиялар орқали аҳолини табиий газ билан таъминлаш сифатини ошириш, тақсимотни мунтазам назорат қилиш ҳамда ушбу жараёнларда инсон омили иштирокини минимал даражада камайтиришга эришилади. Демак, ўтин эмас, албатта, газ ёқамиз!

Хотида ФАЙЗИЕВА ёзиб олди.

Ҳамкорликнинг уфқлари кенг



— Мамлакатимиз иқтисодиётнинг самарадорлигини янада ошириш ва модернизация қилишга йўналтирилган изчил ишлар амалга оширилмоқда, — дейди, "Ўзбекистон Республика товар-хонашў бижраси" АЖ раиси вазифасини бажарувчи Фароҳиддин Ибрагимов. — Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги "Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хонашў турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарориде Биржа фаолиятини тубдан такомиллаштириш ҳамда хориждан келтирилмаётган хонашўлар савдосининг очиклигини таъминлаш буйича қатор муҳим чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Айни вазифалардан келиб чиққан ҳолда Қозоғистоннинг "ЕСТ" товар биржаси АЖ



билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида экспорт-импорт биржа савдоларини ташкил этиш буйича ҳамкорлик битими имзоланди. Бундан ташқари, шу йил 19 апрелда Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ерик Утембаевнинг "ЎзРТХБ" АЖга ташриф чоғида икки давлат ўртасида биржа савдолари соҳаси буйича савдо-иқтисодий

муносабатларнинг ривожланиш истиқболлари муноқиша қилинди. Ўзаро келишувлар натижасида икки бозорда нархларнинг асосий равишда ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган ёки кам миқдорда ишлаб чиқарилувчи импорт товарлар буйича биржа савдоларини ташкил этиш механизми ишлаб чиқилди.

Давра сўхбатида биржа савдоларида нрезидентларнинг иштирок этиш тартиби, ўзаро ҳисоб-китоблар механизми қўшни мамлакат ишлаб чиқарувчиларига батафсил тушунтирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига ўзгартириш киритиш юзасидан зарур тақлифларни ишлаб чиқиш буйича фикрлар билдирилди.

Айни вақтда нрезидент-сотувчилар UZEX биржасида бир кунда аккредитациядан ўтмакдлар. Биржа шартномасини очиб ва савдоларда иштирок этиш учун улар листинг жараёнидан ўтадилар ва биржанинг Ҳисоб-китоб клиринг палатасига келишувнинг тахминий баҳосидан 10 фоиз миқдорига бўлган гаров пулини киритадилар. Электрон биржа савдолари брокерлик идоралари воситачилиги асосида бошлангич нархнинг ўсиб бориш механизмидаги аукцион шаклида ўтказилади. Электрон савдолар натижаларига кўра, биржанинг импорт шартномаси расмийлаштирилди. Бу шартнома биржа ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасида рўйхатдан ўтказилади.

Ўз навбатида биржа битими буйича ўзаро ҳисоб-китоблар Ҳисоб-китоб клиринг палатаси орқали миллий валютада амалга оширилади. Битим бажарилганидан сўнг,

нрезидентга хизмат кўрсатувчи брокерлик идораси битимнинг якуний ҳисоб-китобини амалга ошириш учун ўз миқдорининг талаби билан ваколатли банк ва Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси орқали маблағлар конвертациясини амалга оширади.

— Жорий йилнинг август ойдан бошлаб "ЎзРТХБ" АЖ орқали Қозоғистон цементини сотиш буйича лойиҳа синов тарзида ишга тушди, — дейди Биржанинг матбуот котиби Ҳикматулла Тиллабоев. — Ўтган икки ойга яқин муддатда Биржамиз орқали Қозоғистоннинг "SAS-Tobe Technologies" МЧК томонидан ишлаб чиқарилган ПЦ II В-Ш 32,5 Н цемент марказлари сотиш буйича бешта шартнома тузилди. Яъни, умумий қиймати 726,6 млн сўмга тенг бўлган 1,4 минг тонна цемент харидорларга етказиб берилди. Хонашў Саригоч темир йўл бекетида амалга оширилади. Битим бажарилганидан сўнг, харидорлар олдиндан бир фоиз гаров пулини тўлашлари шарт. Қозоғистонда ишлаб чиқарилган цементнинг биржа котировкаси бир тонна учун 534,3 минг сўмга тенг бўлди. Қозоғистонда ишлаб чиқарилган цемент сотуви буйича барча молиявий харажатлар "Трастбанк" ЖАБ орқали амалга оширилади.

Шу тариқа, "ЎзРТХБ" АЖ орқали Қозоғистон цементини импорт товарлар ишлаб чиқарувчиларини биржа савдоларига воситачиларсиз жалб қилиш имкониятини тақдим этди. Биржа тизимининг очиклиги ва шаффофлиги республикамизга импорт қилинаётган товарларнинг мониторингини ўтказиш имкониятини бермоқда. Яқин келажакда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда биржа механизмининг қўллаш янада такомиллашади. Бу, ўз навбатида, икки давлат ўртасидаги товар айланишининг ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2018 йил мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар йили" деб эълон қилинди. Мазкур ғоя 2018–2021 йилларга белги-ланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топган эди.

Нурислов ТҲЛИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

Инновацион иқтисодиёт — билимга таянган интеллектуал иқтисодиёт. Миллий ҳўжалик юри-тишининг илгор тури сифатида янгиликларга асосланади. Доимий технология тақомиллашувга, юқори ва ўрта юқори технологияли товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга йўналтирилади. Маълумки, индустриал иқтисоди-ётда фойда олиш моддий ишлаб чиқариш ва молиянинг тўғлиниши ҳисобига шаклланади, инноваци-он иқтисодиётда эса фойда (да-роматлар) асосан олимлар ва ин-новаторлар интеллекти, ахборот соҳаси ҳисобидан яратилади. Фу-куяма, Белл каби футуролог олим-ларнинг фикрича, ҳозирги дунёда инновацион иқтисодиёт кўпчилик ривожланган мамлакатларнинг ус-тунлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Инновацион иқтисоди-ёт ва ривожланган венчур бизне-сига эга мамлакатлар қаторидан АҚШ, Германия, Япония, Австрия, Канада, Швеция, Финляндия, Син-гапур ва Исроил каби давлатлар жой олган.

Инновацион иқтисодиёт наза-риясини XX аср бошида АҚШлик (асли австриялик) олим Йозеф Шумпетер яратган эди. У биринчи бўлиб иқтисодий ўсиш ва иқтисо-дий ривожланиш ўртасидаги фарқни кўрсатиб, инновацияни таърифлаб берди. Аммо, ўтган асрнинг 20–30-йилларида буюк депрессия, кейин Иккинчи жаҳон уруши бу ғояни амалга ошириш-ни орқага суриб юборди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб жаҳондаги тараққий этган мамла-катлар инновацион ривожланиш йўлини танлади. Эътибор қарат-сак, биз бу соҳада илгор мамла-катлардан анча орқадамиз. Чунки, бизнинг ривожланишимиз, асосан, экстенсив олимларга асосланган эди. Сабаби — бизда бепойн ер-лар, қазилма бойликлар, меҳнат ва бошқа ресурслар мўл эди. Бу ин-тенсив ривожланиш, инновация-нинг "кўзи"ни ёпиб қўйди.

Тўғри, кейинги йилларда иқтисо-дийнинг асосий тармоқларини мо-дернизация қилиш, техник янгилаш, ривожланишда кучли омил бўлади-ган ва жаҳон бозоридан рақобатбар-дошликни таъминлайдиган инноваци-он технологияларни жорий этиш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди. Аммо булар ҳали кам, ҳаёт «ёриб ўтадиган» технологиялар лой-ихаси устида бош қотиришни тала-б қилмоқда.

Гап шундаки, инновация ярати-ладиган янгиликка эмас, балки мавжуд иқтисодий тизимнинг самарадорлигини жиддий оширадиган омилдир. Инновацион илм-фан, кашфиёт ва ихтиродан фарқи шундаки, илм-фаннинг йўли му-айян маблаг билан ва ғояга ай-лантиришдан иборат бўлса, инно-вация — бу билим ва ғояни маб-лагга (пулга), капиталга айланти-ришни тақозо этади. Ихтиро — янги концепция яратиш, инно-вация эса ихтиро ёки кашфиётни со-

тиладиган товар ва хизматга ай-лантириш демакдир. Инновация — бозор билан боғлиқ жараён. Мурак-каблиги шундаки, қўйилган вази-фа алоҳида инновация эмас, балки бу-тун бошли миллий иқтисодиётни инновация, яъни интеллектуал иқтисодиётга айлантиришдир.

Маълумки, инновацион жараён жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизимидан келиб чиқади. Иқтисо-дийнинг тури, шакли инновацион жараён турларини шакллантиради. Ҳозирги пайтда дунёдаги кўпчилик ривожланган мамлакатларда мил-

Учинчидан, давлат мақсадли дастурлар, лойиҳалар ишлаб чи-қиш орқали инновацион жараёнга таъсир кўрсатади. Хитойда 2006–2020 йилларда Фан ва технология-ларни ривожлантиришнинг ўрта ва узок муддатли миллий дастури, Россияда 2006–2020 йилларга қаратилган узок муддатли ижтимо-ий-иқтисодий ривожланиш кон-цепцияси, Европа Иттифоқида Лиссабон ривожланиш дастури, Хитойликлар мамлакатни яқин йил-ларда дунё инновацион марказига айлантириш вазифасини ўз олди-ларига мақсад қилиб қўйганлар.


Таъкидлаш жоизки, жаҳоннинг илгор мамлакатларида амал қила-ётган инновацион ривожланиш миллий моделлари умумий иқтисо-дий қонуниятлар асосида ҳара-катланса-да, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам кўзга ташланиб туради. Масалан, бу моделларнинг асосий мақсади ва йўналиши мил-

юқори тармоқлар ривожланишига асосланган мунтазам ўсиш Янги индустриал давлатлар — Жанубий Корея, Гонгконг, Тайван ва Синга-пурга хос эди. Бу мамлакатларда қўлай инвестицион муҳит, илмий тадқиқотлар ривожланишининг юқори суръатлари, аҳоли учун бар-ча таълим турларига, айниқса, олий техник таълимга кенг йўл очи-лиши ҳам муҳим аҳамият касб этди. Айни пайтда қўлай инно-вация ва инвестицион иқлим ярата олмаган, фан ва таълимнинг издан чиқишига йўл қўйган қатор ривож-ланаётган мамлакатларда инфля-



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

Замонавий ривожланиш ОМИЛИ



лий инновацион моделлар шакл-ланган. Миллий инновацион мо-деллар ўша мамлакатнинг тарихий-маданий ривожланиш даражаси, табиий-географик шароити, иш-лаб чиқариш, иқтисодиёт, саноат, илмий-техника салоҳияти, халқнинг менталитети сингари ўзига хос жиҳатлардан иборатдир.

Лекин бу давлатнинг инноваци-он сиёсатини, инновацион жара-ёни бошқариши заруратини ин-кор этмайди. Инновацион сиёсат иқтисодий сиёсатнинг муҳим қис-мидир.

Давлат, биринчи навбатда, инно-вацион тизимнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш орқали фаолият-нинг ривожланишига кенг йўл оча-ди. Бошқача айтганда, давлат бу борада барчага баравар «йўлн коидаларини» яратиб беради.

Иккинчидан, давлат инвестиция-лаш, солиқ ва солиқ имтиёзлари орқали инновацион фаолликни рағбатлантиради. АҚШ, Япония, Буюк Британия, Франция, Хитой-да инновацион жараён қатнаши-лари учун инновационларни жорий этиш бошқичлари ва мураккаблик даражасини ҳисобга олиб, про-грессив солиқ тизими жорий қилинган.

лий инновацион тизим таркибини мақсад йўлида мувофиқлашти-риш, миллий фан ва бизнесни ин-новацион кооперациялашни рағ-батлантириш, халқор инноваци-он тармоққа интеграциялашув, ички инновацион тармоқларни йўлга қўйиш, миллий инновацион тизимни шакллантириш ва ривож-лантиришдан иборат. Шу билан бирга, АҚШ, Германия, Франция ва Японияда инновацион соҳада давлат бошқарув ва режалашти-риш тартибига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Австралия, Дания, Норвегияда фан ва инновацион со-заларни давлат томонидан молия-лаштиришни тақомиллаштиришга, Англия, Швецияда фундаментал та-дқиқотларни ривожлантиришга му-ҳим аҳамият берилмаётган. Фан ва таълим интеграциясини рағбатлан-тириш, кичик ва ўрта бизнесни ин-новацион соҳага тортиш собиқ шўро мамлакатларга хос моделлардир.

Албатта, қарор топган миллий инновацион моделлар қотиб қолган, ўзгармас қолип эмас, давр тала-би, ички ва ташқи вазият ҳамда янги омиллар ҳисобига бойиб, за-монавий хусусиятлар касб этади.

Ўтган асрнинг охиридаги илм-фан ва таълим, илгор, илмталаб

ция, орқага кетиш даражалари чу-қурлашиб кетди. Айниқса, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам бу жараён оғир кечди.

Инсоният шиддат билан илгар-илаб бормоқда. Ўтган асрнинг ик-кинчи ярмида илмий-техник жи-ҳатдан етакчи мамлакатлар инно-вацион иқтисодий сектор ва хиз-мат кўрсатиш соҳаси етакчи бўлган постиндустриал жамиятни қурган эдилар. Мана шу жамиятни инно-вацион жамият деб аташ қабул қилинган. Аммо, ҳозир IV-интел-лектуал, ахборот жамиятига ўтиш равшанланмоқда. Илгари бешта технологик уклад (ишлаб чиқа-ришнинг ривожланиш даражаси-ни белгилайдиган технологиялар мажмуи) билардик. Бугун IX тех-нологик уклад ҳисобланадиган кос-мик цивилизация ҳақида гап бор-моқда. Одамлар нано ва биотех-нологиялар, генлар инженерияси-дан кенг фойдаланмоқда.

Тўғри, инновацион иқтисодиёт-ни шакллантириш осон иш эмас. Унга фақат шиор ва «чириқлар бил-ан эришиб бўлмайди. Бунинг учун юқори технологияли сектор барпо этилиши, давлатнинг инвестиция ва солиқ сиёсатига тегишли ўзгар-тишлар киритилиши, наноиндуст-рия, биотехнология ва генлар ин-женериясини ривожлантириш, ах-борот-коммуникация технология да-ражасини кескин кўтариш, маблаг-ни нафақат илмий, тажриба-конст-рукторлик, балки тайёр маҳсулот ва хизматларни тижоратлаштиришга ҳам йўналтириш керак. Чунки, агар илмий тадқиқот ишлари бозордан мустақам жой олмаса, у инно-вация бўла олмайди.

Шундай қилиб, инновацион иқтисодиёт куйдаги таянч прин-циплар, белгилар ва индикатор-лар билан характерланади. Иқтисо-дий эркинликнинг юқори индек-си, таълим ва фан ривожланиши-нинг юқори даражаси, миллий иқтисодиётнинг 4–6 технологик ук-ладга мувофиқ келиши, юқори ра-

қобатбардошли ҳаёт кечириш си-фати, инсон капиталининг юқори сифати ва қиймати, иқтисодиёт-нинг юқори рақобатбардошлик да-ражаси, инновацион корхоналар ва маҳсулотларнинг юқори улуши (60 фоизи), билимлар индустрияси-нинг ривожланиш даражаси, паст инфляция (3 фоиздан юқори бўлмаган), қўлай тадбиркорлик иқлими, иқтисодиётнинг диверси-фикациялашганлиги, жозибали инвестицион иқлим, самарали, давлат томонидан қўллаб-қувватла-надиган венчур тизими, ижтимо-ий-сиёсий барқарорлик мавжудли-ги. Бу мезонларнинг кўпчилиги шукри, Ўзбекистонда бор. Аммо, бу борадаги тўсиқлар ҳам талай-гина. Молиявий воситалар, мала-кали инноватор, венчурист кадр-лар, янги техника ва технология-лар ҳақидаги ахборотларнинг етишмаслиги инновацион корхона ва маҳсулотлар улушининг паст даражаси, инфляциянинг юқори-лиги, инновацион маҳсулотлар бо-зорининг нисбатан торлиги, янги-ликни ўтиш харажатларининг юқорилиги, корхоналарнинг инновацияларни жорий этишга тайёр эмаслиги ана шундай му-аммолар жумласидандир.

Илмий, илмий-техника ва инно-вацион салоҳият ягона илмий-ин-новацион циклда бўлиши керак. Илмий ғоянинг пайдо бўлиши — фундаментал ва амалий тадқиқот — конструкторлик ва тажриба-тех-нологик ишланмалар — тажриба — намуна нусха — саноат синови — ишлаб чиқаришга татбиқ этиш — ялпи ишлаб чиқариш — сотиш — амалда фойдаланиш каби жараён-ларга камиди 6–7 йил, баъзан эса 9–11 йил керак бўлади. Вақт эса тигиз. Демак, ўзгаришлар хара-катида амалга киритилиши керак. Бу-нинг устига кўпгина фундаментал тадқиқот натижалари жавонларда қолиб кетмоқда.

Шукри, давлатимиз раҳбари-нинг ғоят катта саъй-харакати бил-ан вазият ўнганмоқда. Инно-вациялар вазирлиги тузилди. Ин-новацион турдаги саноат маҳсулот-ларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда, қатор олий ўқув юрт-ларида инноватор кадрлар тайёр-лашмоқда. Ўзбекистон Фанлар ака-демияси фаолиятини янада тақо-миллаштириш, умуман республи-ка фанини, инновацион жараёни ривожлантириш ва унга истеъдо-дли ёшларни жалб қилиш бўйича кейинги икки йилда ўндан ортик қонун ҳужжатлари, ҳуқумат дара-жасидаги дастурлар қабул қилин-ди. «Фан тўғрисида»ги қонун лой-ихасини тайёрлашга тайёргарлик қўрилмоқда.

Шу йилнинг 21 сентябрида Ўзбе-кистон Республикаси Президенти-нинг 2019–2021 йилларда Ўзбеки-стон Республикасининг инновацион ривожланишини тақдирлаш тўғри-сидаги фармони имзоланди.

Инновациянинг драйверларидан ҳисобланадиган Ахборот техноло-гиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги қайта ташкил қилинди. Бундан асосий мақсад мамлакат ҳўжалик субъект-лари ва аҳолисини ахборот-комму-никация хизматлари билан тўла таъминлашдир. Алоқа, ахборот-лаштириш ва телекоммуникация

тизимда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан тақлиф эти-лаётган ҳамда компьютер дастур-лари билан боғлиқ интерактив хиз-матлар йилдан йилга ўсумоқда. Ин-тернетнинг ўтказувчанлик даража-си ва тезлиги бир неча баробар ортди. Лекин, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибиде ахборот ком-муникация технологиялари улуши жаҳон ўртача кўрсаткичидан икки баробар паст эканлигини ҳисобга олсак, ҳали қилинажак ишлар на-қадар кўплиги аён бўлади.

Кремний водийси АҚШнинг тех-нологик ва инновацион марказла-ридан бири бўлиб, ҳисоблаш тех-никаси ва электроника бўйича бар-ча илмий тадқиқотларнинг ярми-ни ўзида бирлаштирган. Бунда юқори технологияли компаниялар эич жойлашиб, компьютерлар ва уларга дастурлар, микропроцес-сорлар, мобиль алоқа воситалари ишлаб чиқаради, биотехнология ривожланган. Худди шу ерда жа-ҳон инновациялари, юқори илмта-лаб стартаплар дунёга келади, вен-чур инвесторларнинг қўра ало-қалари ўрнатилади. Hewlett-Packard, Intel, General Electric, Apple, Facebook, Google сингари дунё машҳур фирма ва компаниялар худди шу ерда жойлашган. Крем-ний (Силикон) водийсига ўхшаш юқори технологиялар марказни яратишга уринишлар Англия, Рос-сия (Сколково), Хитой, Тайван, Хи-ндистон каби мамлакатларда ҳам давом этмоқда.

Бундай ҳафли, айни пайтда ўта долзарб ишларга юртимизда ҳам тамал тошини қўйиш фурсати етди. Хусусан, Навоий шаҳрида «Зарафшон инновациялар водий-си»ни (ЗИВ) шакллантириш айни мудида бўлади. Бунинг учун маз-кур худудда талай имкониятлар мавжуд. ЗИВ, масалан, Навоий кон-металлургия комбинати, Фан-лар академиясининг Навоий фили-али, Навоий кон институтини ва Навоий эркин индустриал зонаси негизда ташкил этилиши мумкин. Навоий кон институтини Стэнфорд (Калифорния) университетига ўхшаш технологиялар университети-га айлантириб, унинг ҳузурида ташкил этиладиган гимназия, лицей ва коллежга селектив тарзда иқтидорли ўқувчилар танлаб оли-ниб уларга университет таълими-ни бериш, кейин ЗИВда амалиёт-тини ўтказиш, тайёр инноватор, венчурист кадрлардан истиқболда ўша ернинг ўзида, «аклли шаҳар-лар»да, бутун республикада фой-даланиш мумкин. Асака, Янгиер, Муборак, Денов, Ҳазорасп каби ўрта шаҳарлар ҳамда вилоятлар марказларида яна бошқа «аклли шаҳарлар» барпо этиш мумкин.

ЗИВга кенг миқёсда чет эл вен-чур капитали ва мутахассисларини жалб этиш осон кечади. Навоий шаҳрида логистика ва инфрастру-ктура мавжуд. У бошқа худудларда-ги инновацион кластерларга ёрдам кўрсатади. Соҳада етакчи бўлади. Истиқболда мамлакатимиз киёфасини, иқтисодий салоҳияти-ни юксалтиришга ҳисса қўшади-ган инновацион ишлаб чиқариш сари дадил қадамлар қўйилмоқда. Бу Ҳаракатлар стратегиясида бел-гилаб берилган улкан вазифалар-га жуда мос.



Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фука-ролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувват-лаш Жамоат фонди томонидан давлат субсидияси ажратил-ган «Ҳаракатлар стратегияси — юлғалиш стратегияси» номли лойиҳа асосида чоп этилмоқда. (С/12)

➤ **Мактуб**

Янги ўқув йилининг биринчи ойи ортда қолди. Тенгдошларимиз билим уммонига шўнғиб кетишди. Ўқитувчиларимизнинг шаҳти баланд. Сабоқларида хомуза тортган болани учратмайсиз. Дарслигу қўлланмалар етарли...

Ҳаммаси яхши-ку, лекин машғулот энди бошлан-ганида ё энг қизиқ жойига келганида эшик тақилла-гани ёмон. Ошга тушган пашшанинг ўзгинаси.

Отабек БАКИРОВ

Ангрендаги 27-умумтаълим мактаби 11-синф ўқувчиси

Эшик очилиб, мактаб раҳ-барияти давоматни текши-риб, хийла вақтни олади. Кейин маҳалла посбони ва профилактика инспектори ки-риб келади: «Ҳама бола жо-йидами? Кўчада сангби юр-ганлар йўқми? Кўзларингга қараларин!»

Сўнг шаҳар халқ таълими бўлими ходими ва ички иш-лар вакилига навбат келади. Улар ҳам қарийб ярим соат амри маъруза қилади. Бутун бошли дарс соати йўққа чи-қади. Тўғри, мактаб ўқувчи-ларининг ҳақи ва ҳавфсиз-лигини сақлаш учун бундай рейдлар ва текширувлар

ўтказиб туриш фойдадан холи эмас. Лекин бундай хайрли ишлар дарсларнинг қоқ белидан бўлиб, ўқувчи-ларнинг фикрини чалғитиш ҳисобидан бўлмаслиги керак. «Биз фалон ташкилотдан-миз», деб келишади-да, ҳисоботлари учун биз билан расмга тушиб кетишади. Ўқувчилар кўргазмани курул ёки ҳайкалмидики ёнида ту-риб фотосессия қилишса?

Турли касалликларнинг олдини олиш учун «эрталаб кўлингни, оқшом овғингни ҳам ювишни унутма», деган гапни ҳиссиз такрорлайди-ган тарғиботчилар ҳам

қатордан қолишмайди. Улар-нинг иши шу даражада қул-гини қистайдики, ҳар қандай мөтин одам ҳам хоҳолоб юборади. Сумкасида титли-либ кетган минг йиллик қўлланмани олиб, биз мил-лион марта эшитган спирт-ли ичимликлар ичиш-у, та-маки чекишнинг зарари ҳақида маъруза ўқишади. Бу ҳам дарс соати ҳисобидан, албатта. Тайинли гап айта-дими, йўқми — бирга рас-мга тушиб кетишади.

Ўзлари келишга эринган тиббиёт ходимлари ўқувчи-ларга диктант, иншо ё баён ёзиб беришни буюришади. Очиги, кўзиқориндан захар-ланишининг олдини олиш учун нималарга эътибор бериш лозимлигига онд «асар»ни 11 йилдан бери такрор ва так-рор ёзамиз. Шу пайтгача дав-лат санитария ва эпидемия-логия назорати марказидан бирор ишнинг кўзини билан-диган ходим келмайдики,

Селфихонлик соати



кўзиқорин қандай неъмат экан-ини биз, «шаҳарлик, чумчуқ-лар»га бирров амалда кўрсатам.

Бундай ҳолатларга бот-бот гувоҳ бўлиб, айни кун-ларда мактаблар таълим муассасаси эмас, карвонса-рой, янада тўғрироғи, су-

ратхонага ўхшаб қолаётган-нидан қунонаси. Текширув-чи-ю, назоратчилар келади, кўради, санади. Ўқувчилар билан сураатга тушади-да ке-тади. Қаерга? Навбатдаги «сураатхона»га! Сура — раҳ-барларига кўрсатиш учун. Йўқса, ишонишмайди Мак-

Халқ таълими вазир-лигидан илтимос қилган бўлардики, ҳар йили сентябрь ва май ойлари оралиги мактабларда «Селфихонлик даври» деб эълон қилинса. Ўқитувчиларимиз бу пайтда қоғозбозликдаги камчиликларини тўғри-ласалар, ўқувчилар эса бўлинавериб, пароканда бўлган дарс соатлари-даги машғулотларини ўзлаштириб олишлари учун репетиторларга қатнашса. Синфга жам бўлиб тушган каттакон сураатимизни осиб қўямиз. Текширувчилар ёнида селфилашиб кетаверади.

► Мулоҳаза

Танқид — танқид бўлгани учун эмас, ҳаётимизда адолат ва ҳақиқатнинг қарор топиши учун ҳам муҳим. Баъзида биргина танқидий фикр жамиятимиз равақига тўсиқ бўлиб турган қанчадан-қанча муаммолар туғунини ечиши мумкин. Яхши ният ва ҳолис назар билан маънавийтимизга зарар келтираётган ёки инсон деган муқаддас номга доғ тушираётган иллатларни кузата туриб, бундан фориғ бўлмоққа ундайдиган куч бу — журналистлар эканига ишонч ортади.

Адиба УМИРОВА
“Hurriyat” мухбири

Яшириб нима қилдик, тўғри сўзнинг тўқмоғи бор, деганларидек танқид ҳаммага ҳам ёқармайди. Баъзан газетада эълон қилинган танқидий мақола соҳа вакиллари ёки мансабдор шахслар томонидан ноўрин эътирозлар, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Лекин, халқ кўпинча ҳаётда учраб турадиган, яъни пул, таниш-билишчилик ёки қариндош-уруғчилик ёрдамида ўқишга, ишга кириш ҳолатлари, бунга кетган маблағни қинғир йўллар билан қайтариб олишга уринаётганларнинг таноби тортилиб, адолатсизликлар барҳам топишини истаиди. Журналист учун адолат тантанасидан-да улғурок мақсад борми! Шу тахлит у адолатни ҳимоя қилиш баробарида қонунбузарларнинг ножоиз ишлардан тийилишига ҳам билвосита кўмаклашади.

Матбуот — давр кўзгуси. Муштарийлар газета билан юзма-юз бўларкан, унда акс этган воқеа-ҳодисалар ўқувчи руҳиятига муайян даражада таъсир кўрсатади ҳамда ўзини-ўзи тарбиялашига хизмат қилади. Ўз қадрига етиш, яхши ишларга қочилиш, ҳеч бўлмаганда, таъясиз ҳам яшаш мумкинлигини тушуниб етади. Эртанги кунга ишончи ортади.

Тўғри, бугун маънавий тарбиянинг замонавий усуллари кўпайди. Яъни, интернет барчани ўзига жалб этмоқда. Эссасам, болалигимизда ота-оналаримиз “тарбия соати”га атайин вақт ажратмаган бўлса-да, билим даражамизни кўтариш мақсадида ўзлари севган газета ва журналларга обуна бўларди. Кўчмаизга почтачон келса, ўша кун байрам даявиринг. Мактаб ўқитувчисидан то оддий суғчи, дурадгорча газета ўқирди. Хўш, бундай ажойиб аёнана ва одатлар нега тўхтаб қолди? Ҳар доим меҳр кўйган нашрларини орзиқиб кутаётган ака-укаларимиз, опасингилларимизнинг маънавий рағбати нега сўндирилди?

Таассуфки, кейинги йилларда инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмайдиган айрим нашрлар аҳолининг матбуотга қарашини буткул ўзгартириб қораяпти. Ҳозир айрим ёшлар, ҳатто, ўрта ёшли-

лар ҳам одамни ўйлантирадиган, фикрлашга ундайдиган, виждонини уйғотадиган мақолаларни ўқишдан кўра, ҳазми энгил, олди-қочди нарсаларни ёқтиради. Бу ҳолда, миллатимизнинг умрбоқий урф-одатлари, қон-қонимизга сингиб кетган қадриятлари, ҳаётимиздаги янгилинишлар, ўзгаришларни ҳис қилишда оқсоқлик, узалиш ва бузулиш юзага келмайдими? Нима бўлганда ҳам,

Ҳолис назар

биз, қалам аҳли, қалбга пардоз берадиган, тарбиядаги қусурларни йўқотадиган мавзуларни кўтариб, танбаллик руҳида ўсган кимсаларга маънавий кўмак беришга бурчлимиз. Бундай олий туйғулари қалбга фақат муталаа орқали қайтариш мумкин. Буни аввало, ўзимиз, фарзандларимиздан бошлашимиз керак. Маънавийтимизни бойитишга қайси ОАВ ҳисса қўшаётгани ёки қўшмаётгани ҳақида ўйлаб кўришимиз зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий тўртинчи ҳокимият бўлиб майдонга чиқишига эришиш, миллий медиа майдонимизда фикрлар ва қарашлар ранг-баранглигини таъминлаш бугунги кунда долзарб вазифа бўлиб қолаётганини алоҳида таъкилади.

Халқнинг маънавиятини кўтариш масаласи бугунги куннинг энг долзарб талаби бўлиб турган бир пайтда матбуот дўконларида фаолият кўрсатётган маданият ходимлари ҳам ўзининг писта, сақичдан келадиган даромадини ўйламайдиган, миллатимиз маънавиятига дахлдор ишларга жиддий эътибор қаратсалар, айни муддао бўларди. Газета сотиладиган дўконлар гарчанд, хусусийлаштирилган бўлса-да, зиё тарқатадиган тармоқ эканини

унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Айтишларича, мамлакатимизда салкам 10 минг мактаб, лицей, коллеж, олий таълим муассасаси, илмий-тадқиқот марказлари бор. У қандай таълим, илм ва билим даргоҳи, кутубхонаси атиги бир донга бўлсин, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Хуррият”, “Ёшлар овози” каби газеталар, “Тафаккур”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти”, “Ёшлик” сингари журналларга обуна бўлмаган бўлса. Газета-журналларни мунтазам ўқимайдиган миллатнинг, халқнинг маънавиятини узундан-узун мажлислару хўжа кўрсин танловлар билангина юксалтириб бўлмайди. Таълим ва билим даргоҳларидаги кунда-шунда текширувчилар фақат озодалигу давоматдан, орасалигу ремонт-таъмирлаш ишларидан ташқари, улардаги газета-журналларнинг табиатию руҳиятига ҳам назар ташлашни одат қилсалар фойдадан холи бўлмасди.

Матбуот дўконлари фақат шарҳ ва туман марказларида

қалам уришда ҳам “Шуни ёзсам қандай бўларкан, кимгадир тегиб кетмасмикан?” — деган иштибоҳларга борамиз. Натияжада матбуот саҳифаларининг катта қисмини шунчаки ахборот ва хабарлар эгаллаб олмақда. Кўпинча матбуот анжуманларида тарқатилган пресс-релизга исм-фамилиямизни қўйишдан нарига ўтмаймиз. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қуйидаги сўзлари бизга дастуруламал бўлмоғи керак: “Эл-юртимизнинг эзгу истаklarини рўёбга чиқариш, бу йўлда фов бўлиб турган турли тўсиқларни, бюрократизм, лоқайдлик, таъмагирлик, коррупция каби салбий иллатларни дадиллик билан кўтариб чиқиш, уларга қарши муросасиз жамоатчилик фикрини шакллантириш ўз касби, ўз ҳаётининг маъно-маъмуни деб биладиган журналистларни мен ҳақиқий журналист деб ҳисоблайман”.

Бу касбимизга берилган нафақат самимий таъриф, балки биз, журналистларга билдирилган юксак ишонч ҳамдир. Давр биздан тахлийий, мушо-

► Уюшма фаолиятдан

Ёш журналист қандай бўлиши керак?

Ушбу саволга Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси қошидаги Ёш журналистлар кенгашининг Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган навбатдаги йиғилишида жавоб изланди.

Жобир РАЗЗОҚОВ



Шоҳаб Шохидов фотоси

Юртимизда оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида кенг қўламини сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифалар асосида оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш, пухта билим ва юқори малакага эга ёш журналистларни тайёрлашга доир ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар қўрилатгани муҳим аҳамият касб этаётир.

Таъкидлаш жоизки, ёш журналистларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши, ўз иқтидорини намоён этиши учун имконият яратиш мақсадида тузилган Ёш журналистлар кенгаши мазкур йўналишда самарали фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда Кенгаш илғор фикрли, фаол фуқаролик позициясига эга, замонавий билим ва хорижий тилларни пухта эгаллаган журналист кадрлар базасини шакллантиришда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг яқин кўмақчисига айланган.

— Ўтган давр мобайнида Кенгашимиз томонидан қўллаб-давра сўхбатлари, баҳс ва мунозаралар, ижодий кечалар, семинарлар ўтказилди, — деб таъкидлади Кенгаш раиси Фахриддин Каримов. — Эришилган ютуқлар — ўзимизники. Мақсадимиз — навқирон журналистларнинг тахририятли публицистлар, шарҳловчилар ва хорижий экспертлар билан мулоқотлари, ижтимоий тармоқларда Кенгаш фаолиятини тизимли йўлга

қўйиш, ёш журналистлар ўртасида «Ислохотлар Сен учун, Биз учун, тенгдош!» танловини ўтказиш ҳамда ёш ҳамкасбларимизни рағбатлантиришнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ долзарб лойиҳаларни амалга оширишдан иборат.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Х.Салимов, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани М.Мирсоатова, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани А.Каримов, Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг интернет журналистика ва ижтимоий тармоқлар факультети декани Н.Муротованинг мамлакатимизда журналист кадрлар тайёрлаш борасида олиб бораётган ишлар ва истиқболдаги режаларга бағишланган маърузалари тингланди.

— Ўзбекистон Миллий университети ўзбек журналистикаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, — дейди М.Мирсоатова. — Факультетимизда тахсил олаётган бўлгуси талабаларнинг малакали мутахассислар бўлиб етишиши учун назарий билим билан бирга, амалиёт уйғунлигини таъминлашга ҳаракат қилаёмиз. Бу борада 3+1 дастури устида фаол иш олиб борилаётган. Яъни талабага уч йил аудиторияда назарий билим берилди. Сўнгги бир йилда эса у амалиётда билимини мустаҳкамлайди. Бу олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири — журналист кадрлар учун ўқув адабётларини яратиш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Тадбирда кенгаш фаолиятини янада такомиллаштириш борасида таклифлар билдирилди.

ОБУНА: мажбурият эмас, зарурат!

► Бугуннинг гапи

Куни кеча тахририятимизга бир аёл келиб, 2019 йил учун «Машъал» газетасига обуна бўлмоқчи эканлигини айтди. Обуна бўлди ҳам. Иш орасида опа билан сўхбатлашдик. — Сизни ишонангиздан жўнатишдими? — деб сўрадим ундан.

Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ

«Машъал» газетаси мухбири

У аввал ўзини таништирди: — Нурафшон шаҳар болалар шифохонасида 30 йилдан бери кичик ҳамшира вазифасида ишлайман, исимим — Зоҳида Хошимова, «Қайтмас» маҳалласида яшайман. Обунага эса, ўз ихтиёри билан келдим. «Машъал»нинг кўп йиллик муҳлисиман. Кейин жилмайиб кўшиб қўйди: — Ҳозир имтиёзли нарҳда обуна қилаётган экансизлар, шундан фойдаланиб қолай дедим-да! — Жуда тўғри қилибсиз, раҳмат! Шу баҳона бўлди-ю, ҳозир айни обуна мавсуми эканлиги, қолаверса, «Обуна мажбурийми?» деганга ўқша ш гап-сўзлар эшитиб қолаётганлиги, ҳуллас, турли сабаблар билан мазкур мавзуда ўз мулоҳазаларимизни билдиришга жазм этдик. Гапни ўша шов-шувга сабаб бўлган бир ўқитувчи аёлнинг (Зо-

дарслик билан чеклаиб қолмаслиги, қўшимча китоблар, шу қаторда газета ва журналларни мунтазам ўқиб бориши керак.

Билими кучли ўқитувчининг дарси зерикарли, савё бўлмайди. «Ойлик кам, газета кўп», деб зорланаётган бизнинг муаллимимизни афтидан ўз билимини ва дунёқарашини бойитишдан кўра, рўзгор кўпроқ ташвишлантириши шундоққина сезилиб турибди.

Аслида газета ҳам китоб сингари маърифат манбаи эмасми? Бу ҳам ҳаётий эҳтиёж, зарурат эмасми, аслида?

Майли, хулосага шошилмайлик.

Келинг, бу масала бошқа мамлакатларда қанақа экан, деган саволнинг жавоби орқали ойдинлик киритайлик.

«Hurriyat» газетасининг 2018 йил 21 август, 35-сонидан айнан шу мавзуда ажойиб мақола чоп этилди. Муаллиф — филология бўйича фалсафа доктори, танқид журналисти Беруний Алимов биз иқтисодиёт ва тараққиётга ҳавас қиладиган японларнинг газета муталаасига бағишлаган мақоласини «Газетхон халқ», деб номлабди.

127 миллионлик япон халқининг 89 фоизи босма нашрларни мунтазам ўқиб боради, ҳар 2,4 кишига битта газета, ҳар бир хонадонга 1,2 газета тўғри келар экан.

Яна бир жиҳати: аҳолининг 90 фоизи газетани обуна орқали, фақат 10 фоизи чакана савдо орқали сотиб олади ва ўқийди. Япон газеталари давлат ташкилотлари фаолияти устидан қатъий назорат олиб боради ва шу сабабли халқнинг ишончини қозонган, дейилади мақолада.

Ақл-фаросатли японлар эргалаб ишга, бошқа манзилларга шошилган эканлар, ўзаро валақлаб гаплашиш ўрнига газета-журналларни ўқиб улгуришга, тонги хабарларни билишга интилади. Келтирилшича, аҳолининг 51 фоизи тонги газеталарни севиб ўқийди.

Айтмоқчи, японлар жамоат жойларида овоз чиқариб гаплашиш, шовқин солишни одобсизлик ҳисоблар, бунинг ўрнига газета-журналлар ўқишни афзал билишар экан.

Япония аҳолисининг 80 фоизи ҳар куни газета ўқир, ҳатто, 18-19 ёшли йигит-қизларнинг ҳам 52 фоизи газетхон экан.

Ҳавас қилса, ўрганса, арзийдиган маданият! «Кўп яшагандан эмас, кўпни билгандан сўра», дейилади нақлда. Аммо, кўпни биладиган японлар кўп яшашни ҳам билдилар. Бунда ҳам бир ҳикमत бор: замона олимлари муталаа умрни узайтириши ҳақида хулоса берганлари ҳам бор гап.

Бу мулоҳазалар билан барча ёппасига газеталарга обуна

бўлсин, демоқчи эмасми? Тўғри, обуна — газета-журналлар тахририятлари учун муҳим масала. Аммо, бир йиллик обуна тўлови ҳаммага бирдай хуш ёқармаслиги ҳам рост. Лекин очинини айтганда, газета обунасидан воз кечиш, тежаб қолинган пулга нима сотиб оلسа, тўғри бўлади? Инсоф билан айтганда, ҳозир минг шукрки, юртдошларимизнинг аксариятини етишмовчиликдан кўра, кўпроқ исрофгарчилик ташвишга солаёпти: катта харажатли тўйлар, ким ўзарга ўйлаб топилаётган расм-русумлар, кунора, ҳафтасига ўтказилаётган гап-гаштаклар. Бундай ўйин-кулгу, маишатнинг ташаббускорлари аёллар эмасми!..

Қолаверса, ўқитувчиларнинг «Ойлик кам...» деб зорланишлари ҳам энди ўтмишда қолди. Янги ўқув йилидан уларнинг маошлари кескин оширилди. Яқин истиқболда яна оширилади. Бундай эътибор ва ғамхўрликнинг жавоби устоз-мураббийларнинг билим ва маҳоратларида, таълим самарадорлигининг ошишида акс этиши лозим. Бунинг учун эса, албатта, улар, зиё аҳли бошқаларга ибрат бўлиб, ўқиб-ўрганишлари лозим.

Туман газетасида ишлаётганмига 36 йил бўлди. Шу йиллар давомида қачонлардир ота-онаси ёки бошқа азиз инсонни акс этган газетани энг қимматли буюмдек

асраб-авайлаб юрган инсонларни кўп кўрдим. Афсуски, ўша газетани сақлаб қўймабиз, деб надомат чекканлар ҳам кам эмас.

Ҳа, йиллар ўтаверади, замонлар ўзгараверади. Газеталарда ана шу бетакрор лаҳзаларни мангуга муҳрлаб қўйишдек ажойиб имконият борлиги ҳам уни ҳаётий заруратга айлантирмайдими, ахир?!

Илк сони олис 1932 йилда чиқа бошлаган газетамиз 86 йилдирки, тумандошларимиз, ватандошларимиз билан ҳамнафас. Унинг саҳифаларида бир асрлик давр ўз изини муҳрлаган. Бу саҳифаларда не замонлар, не тақдирлар акс этмаган.

Газетамиз баъзи йиллари қарий 12 минг нусхада чоп этилган. Ўшанда муҳарриримиз: «Туманимизда 22 минг хонадон бор экан, нарҳоти, ҳар бир хонадонга битта газета этиб бормаса...» деб куюнганига ҳам гувоҳимиз.

Журналист аҳлининг эзгу мақсади мамлакатимизда юз бераётган бунёдкорлик, яратувчанлик, ватандошларимиз онгу шуурида бўлаётган ўзгаришларга бирга гувоҳ бўлиш, бирга кузатиш, бирга муҳокама қилиш ва ёрдам бериш. Бир замонлар «Садои Фарғона» газетасида боболаримиз ёзганларидек «чиқинглар майдонга, ёзайлик, ўқуйлик».

Тошкент вилояти,
Урта Чирчиқ тумани



Сўнгги даврда ўқитувчининг жамиятдаги оёқлари, малакаси кадрлар масаласи ва таълим сифати борасида эътирозлар анча-мунчага етган эди. Оммавий ахборот воситаларида кўтарилган масала — олий ўқув юрталарига қабул квоталари оширилди.

Келинг, яхшичи бу тизим илғор хориж мамлакатларида, масалан Германияда қандай йўлга қўйилган? Шу ҳақдаги мулохазаларимни сиз билан баҳам кўрай. Хулосани ўзингиз чиқаринг.

GERMANYDA ҲУҚУҚНИНГ ДЕМАК, ЗУРИ!

Германияда таълим — давлат ва жамият томонидан доимий эътибор берилуватган соҳа мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига баракали ҳисса қўшиб келмоқда.

Германия жаҳон илм-фани ва маданияти ўчоқларидан бири сифатида тилга олинади, таълим ва касбга йўналтириш, илм ва илмий тадқиқотлар давлати, дея эътироф этилади. Сабаби ушбу мамлакат Гёте, Гегел, Бетховен, Эйнштейн сингари мутафаккирларни камол топтиргани ҳамда илдизи асрларга бориб тақалувчи илмий мактаблари билан машҳур.

Рус шоири Пушкин айтган эди: "Фикр! Буюк нарса! Инсоннинг улғурлиги ҳам фикрдан бўлмай нимадан?" Олмон таълим даргоҳларининг бош ютуқларидан бири ҳам мана шунда, яъни улар ўқувчиларни аввало, муस्ताқил фикрли ва кенг дунёқарашли бўлишига эътибор қаратади. Ушбу миллатга хос тартиб-интизом, бирсўзлик, қатъият хислатлари ҳам таълим муассасаларида шаклланади.

Ўқитиш тизими янги усуллар ва сўнгги ахборот технологиялари асосланган.

"ТАФАҚҚУР УСТАХОНАЛАРИ"

Германияда болалар боғчалари шундай — "тафаққур устaxonалари" деб аталади. Бойси ҳали ақлини таниб улгурмаган, нутқи яхши ривожланмаган гўдаклар боғчадаёқ ўз фикрини ифода этиш, тенгдошлари ва катталар билан мулоқотда бўлиш кўникмаларини ўзлаштиради.

Мактабгача тарбия Германия таълим тизимида муҳим босқич ҳисобланади. Унинг 100 йилдан ортиқ тарихи бор. Сабаби, 1840 йилда немис педагоги Фридрих Фрөбел дунёдаги илк мактабгача таълим, яъни болалар боғчасига асос солди. Шундан сўнг бундай таълим тури қисқа вақт ичида бутун дунё бўйлаб тарқалди.

Мазкур мамлакатда мактабгача таълим муассасалари давлат қарамоғида эмас. Аксинча, хайрия жамғармалари, маҳаллий ҳокимиятлар, чerkовлар ҳамда турли корхона ва ташкилотлар боғчаларни ўз вазифасига олган. Шунинг учун 24 мингдан ортиқ боғчани маблағ билан таъминлаш улар зиммасидадир. Лекин ота-оналар ҳам анча-мунча боғча пули тўлайди. Масалан, Берлин ва Баварияда боғчалар бепул бўлса, Куйл Саксонияда унинг ойлик тўлови 250 еврони ташкил этади. Кам таъминланган ва серфарзанд оилалар учун мамлакатнинг барча ҳудудларида боғча тўловида чегирмалар мавжуд.

Боғчалар қамрови — 3 ёшдан 6 ёшгача. Бу ёш оралиғидаги болаларнинг 80 фоизи боғчага қатнайдди. Бироқ айримларига 6 ойлик чақалоқлар ҳам қабул қилинади. Бунга фақат болага каровчиси йўқ, эри ҳам, хотини ҳам ишловчи оилаларгина ҳақли.

Кўп сонли иммигрант болалар эса 4 ёшдан ва немис тили бўйича имтиҳондан ўтказилгач, боғчага қабул қилинади. Агар улар вази-фабарли бажаришда қийналаса, имтиҳонда бепул дарсларга қатнаш имконияти бор.

Айтиш жоизки, боғча машғулотларининг бари ўзини шаклида ўтади ва асосан, болаларнинг тенгдошлари билан тез тил топишишларига, нутқи ва ижодий фикрлашларига алоҳида эътибор қаратилади.

Германия боғчаларида болалар, одатда, тушгача тарбияланадилар. Бироқ кўни узайтирилган боғчалар ҳам мавжуд.

ИСТЕЪДОДСИЗНИНГ ҲУҚУҚИ

Бизнинг таълим тизимимизда бўлгани каби Германияда ҳам боғчадан сўнг бошланғич таълим бошланади. Фарқи — уларда ўқувчилар бошланғич таълимни тугатиши ҳамонқо келажак йўлини аниқ танлаб олиши керак. Шунга қараб яна бир турдаги мактабда ўқишни давом эттиради.

Германия Конституциясига мувофиқ, мактаб таълими давлат назоратидадир. Шунингдек, мажбурий таълим бепул ҳамдир. 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган фуқаролар мажбурий тартибда таълим олиши шарт. Мактаб таълим тизими бошланғич (*Grundschule*), ўрта ва юқори бос-

қичларга бўлинади. Мамлакатда 16 федерал ҳудуд мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бири ўзининг таълим тўғрисидаги қонунига эга. Шу сабабли федерал ҳудудларнинг мактаб таълим тизимида айрим фарқлар бор. Масалан, аксарият ҳудудларда бошланғич таълим 4 йил (биринчи синфдан тўртинчигача қадар), пойтахт Берлин ва Бранденбургда эса — 6 йил. Аммо бу каби фарқларга қарамасдан, барча ҳудудлар учун умумий тартиб-қоидалар амал қилади.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ.

Бошланғич таълимнинг дастлабки икки йилида ўқувчилар баҳоланмайди. Бизга таниш баҳолаш табели ўрнига уларга ўзлаштириш тавсифномаси бериллади. Ўқувчиларга 3-синфдан баҳо қўйила бошлади. Германияда 6 баллик баҳолаш тизими қабул қилинган. Ажабки, бизнинг мактабларда "5" баҳо аъло бўлса, уларда "1" баҳо шундай иззатга муносиб. "2" — яхши, "3" — қониқарли, "4" — етарли, "5" — етарли эмас, 6 — қониқар-

Фикрлайдиганлар мамлақати

сиз. Ўқувчилар фанларни камида "4" баҳога ўзлаштириши керак. Бошланғич босқичда болаларга математика, немис тили, табиатшунослик, мусика, эстетика фанлари ўтилади.

5-6-синф босқичида ўқувчилар кейинги таълим турига йўналтирилиши учун кузатувда бўлади. Боланинг бошланғич синфлардан кейин қандай мактабда ўқишни давом эттириши бошланғич мактаб тавсияси, ўқувчининг ўзлаштириши ҳамда ота-онасининг хоҳишига боғлиқ.

Хуллас, бошланғичдан сўнг ўқувчиларни навбатдаги мактаб — асосий, махсус (ривожланишда кечиккан болалар учун), аниқ фанлар — математика ва табиий фанлар ўқитиладиган ўрта ўқув юрти ҳамда гимназиялар қарши олади.

АСОСИЙ МАКТАБ.

Болаларнинг қарийб 20 фоизи ўқишни асосий мактабларда (*Hauptschule*) давом эттиради. Бундай мактабларда ўқувчилар тўққизинчи синфгача ўқитилади. Қисқача тушунирганда, асосий мактабларда илмий таълим муассасаларида ўқиш нияти бўлмаган, бирор касб этагидан тутишни кўзлаган ўқувчилар таълим олади. Уларда асосий эътибор амалий машғулотларга қаратилади. Асосий мактабни тугатган ўсириллар тугалланмаган ўрта таълим ҳақида шаҳодатнома олади. Ушбу ҳужжат билан касб-хуна мактабларига кириши мумкин. Биздаги касб-хуна коллежларига ўхшаб кетадиган мазкур мактабларда талаба муайян касб-хуна бўйича билим ва тахриба олишлари мумкин. Асосий мактаб дастури йилма-йил таҳлил қилинганда, ўқишга талаб тўғрисида охири бораётгани кузатилади.

АНИҚ ФАНЛАР МАКТАБИ.

Аниқ фанлар мактабида (*Realschule*) ўқувчиларга кенгайтирилган умумий таълим бериллади. Одатда таълим 6 йил давом этади, сўнгга ўқувчиларга ўрта таълим тўғрисида гувоҳнома бериллади. Ушбу гувоҳнома асосида битирувчилар бошқа ўқув юрталарида таълим олишни давом эттириши мумкин. Масалан, гимназиянинг юқори синфларида.

ГИМНАЗИЯ.

Ўқувчилар ўрта таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган ушбу билим максадида тўққиз йил — 5-синфдан 13-синфгача таълим олади. Аниқ фанлар мактабининг 10-синфини тамомлаган ёшлар гимназияда уч йил ўқийди. Одатда, гимназияда таълим 9 йил бўлиб, болаларга чуқурлаштирилган умумий таълим беришга мўлжалланган. Гимназиянинг юқори синфларида (11-13-синфлар) таълим босқичи тизими киритилган. Гимназиянинг юқори синфларини битириш имтиҳонлари 4 ёки 5 фандан ўтказилади ва етуқлик шаҳодатномасини (*Abitur*) бериш билан тугалланади. Айтиш керакки, етуқлик шаҳодатномаси олий ўқув юрталарига кириш имкониятини беради.

УМУМИЙ МАКТАБ.

Ушбу мактабга ҳам бошланғич таълимдан кейин ўтилади ва уни битирган ўқувчиларга юқоридаги тартибда гувоҳнома бериллади.

Шу ўринда, немис педагоглари ҳақида икки оғиз сўз. Улар истеъдодсиз ўқувчининг ўзи йўқ, деган ақидага амал қилади. Шунинг учун бўлса керак, педагоглар ўқувчининг очилмаган қирраларини кашф этиш ҳамда уларни янгилик яратиш руҳида тарбиялашга интилади. Ўқитувчи ўқувчининг фикрлари хато бўлсада, уларни тинглайди, ҳурмат қилади, сабаби шу орқали ёшларда мус-

тақил фикр шакллантирилади. Бу машҳур файласуф Рене Декартнинг "Фикрлашманми, демек, яшайман" нақлининг амалдаги ифодаси.

АСЛЗОДАЛАР ОРЗУСИ

Германия — Гейделберг, Кёльн, Фрайбург, Тюбинген каби қадимий университетлар ватани. 1386 йилда асос солинган Гейделберг университети кўна қиъанинг илк нуфузли олий таълим даргоҳларидан. Ўрта асрлардаёқ, ушбу университетга кириш европалик аслзодаларнинг орзуси бўлган. Германиянинг Гейделберг шаҳрида жойлашган мазкур университетнинг нуфузи ҳозир ҳам баланд. Бу ердан Гегел, Ясперс каби жаҳон таниган олимлар, ўнга яқин Нобел мукофоти соҳиблари етишиб чиққан. Айтиш керакки, бугунги кунда мазкур даргоҳда 25 минг талабанинг 12 фоизини хориждилар ташкил этади.

Мамлакатда янги, махсус олий

этилган. Ваҳоланки, кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари тақлиф этилади ва талаба синовдан ўтказилади, аммо ўқишнинг кўпчилик босқичларида талабаларнинг ўзлари фанлар ва ўқув юрталарини танлайдилар. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талабалар ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмагач, ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги федерал қонунга мувофиқ молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга қўшиб берилса, иккинчи ярми қарз тариқасида берилади. Ўқиш тугаб, махнат фаолияти бошлангач, маблағ тўхтатилади.

БЕПУЛ

Мамлакатда ўқув юрталари лабораториялари, устaxonаларини жиҳозлаш, уларни хомашё ва материаллар билан таъминлаш ишбилармонлар ёки корхоналар томонидан бепул амалга оширилади. Чунки бозор иқтисодиётининг тамо-



ўқув юрталари ҳам борки, улар тобора оммалашиб бормоқда. Амалий йўналиш бўйича олиб боришнинг муҳандислик, иқтисод, ижтимоий таъминот, дизайн, кишлоқ ҳўжалиги каби мутахассисликларга тайёрловчи ушбу зиё максадида диплом олиш учун имтиҳон топширилади. Маълумотларга кўра, бугунги кунда институтга кирувчи ёшларнинг ҳар учтадан биттаси шу тилдаги олий ўқув юртини танламоқда.

Германияда умумий йўналишдаги олий ўқув юрталари кам. Сабаби, ушбу модель кенг тарқалмаган. Мазкур тилдаги олий ўқув юрталари мамлакатдаги икки федерал вилоятда бор, холос.

Мамлакатда Европанинг бошқа давлатларига қараганда бепул олий таълим олиш имконияти кўпроқ. Нодавлат жамғармалар ҳамда ҳукумат грантлари асосида хориждилар ҳам немис университетларида тахсил олишлари мумкин.

Маҳаллий гимназияларни битириб, имтиёзли шаҳодатномага эга бўлганлар имтиҳонсиз университет талабасига айланишади. Хориждилар талабалар ўқишга кириш учун немис тили бўйича имтиҳондан ўтадилар. Университетларда бакалавр босқичи тўрт ярим йилгача, магистратура бир йилдан тўрт йилгача, докторантура икки йилдан беш йилгача давом этади. Одатда, бакалаврият ва магистратура талабалари ўқиш якунида давлат имтиҳони топширади ва диссертация ишини химоя қилади. Талаба ўқиш учун қишги ёки ёзги ўқув мавсумини танлаш ҳуқуқига эга. Ёзги мавсум апрель-сентябрь, қишкиси эса октябрь-март ойларини ўз ичига олади.

Олмон олий таълим муассасалари айрим соҳаларда етуқ кадрларни тайёрлаш билан ҳам эътирофга лойиқ. Хусусан, Мюнхендаги Людвиг-Максимиллиан университети Европани тиббиёт бўйича етуқ мутахассислар билан таъминлайди. Мухандис, иқтисодчи, дизайнер каби мутахассисларни ва машинасозлик, ишлаб чиқариш, ахборот технологиялари, соғлиқни сақлаш йўналишларига зарур кадрларни етказиб беришда ҳам Германия университетилари пешқадам.

Маълумотларга кўра, ҳозир Германиянинг уч юз етмишдан ортиқ олий таълим муассасасида 2 миллионга яқин талаба, жумладан, 246 минг хориждилар тахсил олмақда. Олмон юрти чет эллик талабалар сони бўйича дунёда АҚШ ва Буюк Британиядан кейинги ўринда туради. Талабалар ўқиши эркин ташкил

йилларидан бири шундан иборатки, тадбиркорлар ўқув юрталарини янги, замонавий технологик жиҳозлар билан таъминлашдан манфаатдордирлар. Бунинг сабаби, биринчидан, ўз махсулотларини реклама қилиш мақсади бўлса, иккинчидан, тезроқ янги турдаги жиҳозларда ишлаш оладиган мутахассисларга эга бўлишдир.

Хуна-техника таълимнинг устувор йўналишлари истиқболларини белгилаш ва амалга ошириш Федерал таълим ва маданият вазирлигининг вазифасидир.

ЎКИМАГАН ҲУҚУҚЛАРИ

Германия Федератив Республикасида ҳар бир мактаб учун махсус тайёрланган ўқитувчилар бор. Уларнинг ҳаммаси олий мактабни тугатган бўлишлари шарт. Бошланғич ва асосий мактабининг бўлажақ ўқитувчилари олти семестр ўқийдилар. Аниқ фанлар мактаби, махсус мактаб, гимназия ва хуна-техника билим юрталарининг ўқитувчилари анча узоқ муддат ўқишлари керак. Ўқишни тамомлагандан кейин ўқитувчилик наомзолларнинг ҳаммаси имтиҳон топширадилар. Кейин мактабда амалиёт ўтказиладилар ва иккинчи имтиҳон топширадилар. Ўқитувчи лавозимига эга бўлгандан кейин, қондага кўра, умрбод лавозимга тайинланади.

Бўлажақ ўқитувчилар 3 йил ўқиганларидан кейин аниқ фанлар мактабида икки йиллик амалиётни ўтайдилар, бунда ҳафтага 10-12 соатдан дарс берадилар.

Бу даврда уларга махсус мураббийлар белгиланади, бу мураббийлар уларнинг фаолиятини назоратда тутадилар, амалиёт тугагандан кейин шогирдларига тегишли тавсифномани берадилар. Шундан кейин мактаб кенгаши юқори ташкилотлар билан биргаликда бўлғуси ўқитувчилардан имтиҳон олади ва уларнинг келгуси ишларини баҳолаб, тегишли тавсифномани берадилар. Бу жараённинг яна ўзига хос томони шундаки, имтиҳон ва тавсиялардан кейин бўлғуси ўқитувчи бир йилга синов муддати билан ишга олинади. Бу синов муддатини муваффақиятли ўтгандан унга ўқитувчи мартабаси берилади. Амалиётчи-талабадан қўйилган талабларни бажара олмагач, мактабга қўйилмайди. Аттестациядан ўтказиш ва лицензия бериш кенг расм бўлганини эътиборга олсак, ўқитувчи ўз малакасини мунтазам ошириб боришга мажбур. Ақс ҳолда, ўқитувчилик лавозимидан маҳрум бўлиши мумкин.

Хоинлар қисмати

Тарих сабоқлари

2018 йилнинг 4 март куни Буюк Британия ва Россия ўртасидаги муносабатлар совуқлашишига сабаб бўлган ҳодиса юз берди. Буюк Британиянинг Солсбери шаҳрида Россия Бош разведка бошқармасининг собиқ ходими Сергей Скрипаль ва унинг кизи захарланиб шифохонага тушди.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

шарҳловчи

Матбуотнинг ёзишича, Буюк Британия ва Россия фуқароси бўлиш ҳамда Британия махсус хизматларида хизмат қилаётган Сергей Скрипаль ва отасини кўриш учун Москвадан келган кизи Юлия асабини фалаж қилувчи моддадан захарланган. Махфий «Портон-Даун» кимёвий лабораторияда ишловчи экспертлар ота-боло «Новичок» моддасидан захарланганини айтишган. Буюк Британия ҳукумати захарлаш ортида Россия турганлигини иддао қилди. Бироқ, Москва бу айбловларни ҳозиргача қатъиян инкор қилмоқда ва ҳодиса Буюк Британия махсус хизматлари томонидан уюштирилганини айтмоқда. Шу тарихи икки мамлакат ўртасида дипломатик зиддият юзга келди. Захарланиш ҳодисасига жавоб сифатида Лондон 23 нафар россиялик дипломатни Буюк Британиядан чиқариб юборди. Европа Иттифоқига аъзо айрим давлатлар, шунингдек, АҚШ, Канада, Австралия ва бошқа мамлакатлар ҳам Британия билан бирдамлигининг далили сифатида шу каби чораларни кўрди. Табиийки, Россия ҳам қараб турмади, ақс чораларни қўлади.

5 сентябрь куни Буюк Британия полицияси Скрипалларни захарланган гумондорлар исми, фамилияси ва суратларини эълон қилди. Жанжал гоҳ тиниб, гоҳ янгидан авжланиб ҳамон давом этмоқда. Собиқ агентнинг бошига тушган кулфат икки мамлакат ўртасидаги шусиз ҳақ анчайин таранглашиб турган муносабатларни янада кучайтирди.

Инглиз матбуотининг ёзишича, С.Скрипаль икки давлат ўртасида кўплаб низоларга сабаб бўлган. Бош разведка бошқармаси ходими, дипломат, икки юзлик жосус бўлиши С.Скрипаль аввал испан, сўнг инглизларга Россиянинг муҳим давлат сирларини сотиб турган. Унга "Fortwith" ("Чаққон") деган махфий ном берилган. Маълумотларга кўра, кирдикорлари сабаб ўз мамлакатининг уч юзга яқин резведкачисига касофати теккан. Хоинлиги учун Россияда барча унвон, давлат мукофотларидан маҳрум этилган. Ҳатто, ўн уч йилга камалган. Беш йил қамоқда ўтирганидан кейин хориж тутқинлигида сақланаётган россиялик ватандошига алмаштирилган.

Москва ва Лондон ўртасидаги муносабатлар таҳлил қилинадиган бўлса, сўнгги 40 йил давомида Шекспир ва Пушкиннинг авлодлари ўртасида камида беш марта шундай можаро келиб чиққан. Ҳар қал қелиш мовчилар узоққа чўзилмаган. Энг аянчли ҳодиса 1971 йилда қайд қилинган айтилади. Ўша йили 105 нафар дипломат, журналист ва бошқа идораларнинг ходимлари Буюк Британиядан Москвага қайтариб юборилган.

Эълон

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Комолон 2-берк кўча, 15-уй эгаси Каримов Кадир Рашидовичнинг уй плани йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўрин чўпоннинг қўй боқишга ишқи тушди, ўзимнинг чорвам бўлсин, ёнига қўшнилари кўйини қўшиб, тоққа ҳайдайман деди. Шу-шу ҳар йили ердан қишнинг ҳовури кўтарилганини кутади. Баҳорнинг илк чечаклари нишлай бошлагач кайфияти кўтарилди, узоқ юртларга сафарга чиқаётгандек тайёрланади, кўч-кўронини тартибга солади. Сўнг қўшнилари дараклайди, қўйларни жамлаб тоққа ҳайдайди...

Юсуф ХУДОЙКУЛ

Кўнгилга тушадиган завқнинг лаззатини Ўрин чўпон яхши билади. Ҳар тонг Ҳисор тоғ ортидан ёришаётган кунга қараб-қараб қўяди, кўкси чўққилар тарафдан эсаётган дилқуш ҳавога тўйинади, юраги депсиниб, кўтарилиб-кўтарилиб тушади...
Ўрин чўпон қўйларини қишлоқ четдаги зовур бўйига ўтлатгани олиб борди. Қараса, майсалар қулоч ёзиб қолибди, қўйнинг тишига бемалол илашади. Буни кўрган Ўрин чўпон майсаларни кафти билан силади. Кўзлари хумор-хумор боқди. Лабларига нимхуш қулгу ёйилди. Энди унинг на ётишида, на туришида маъни қолди...
— Онаси, биласан, тоғнинг ҳавоси намхуш келади, айниқса тун яримлаганда. Менинг пуфайкамга қўшиб, қалин пахталик шалваримни ҳам туғиб қўй. Ҳадемай Абдалим шофёр машинасида келиб қолади, — деди сахармардондан туриб.
— Майли, — деди Энагул опа.
— Шу, байталимини уйда қолдириб кетсам, у-бу юмушинга яраб турарди, ювошгина, сен нима дейсан...
— Узингиз биласиз...
Кўнадан аввал чанг кўтарилди, сўнг машина сигнали эшитилди. Ўрин чўпон жойидан жилди. Бу пайтда хотини чорвани кўрадан олди, қўлидаги тўтининг қуриган чўпи билан ҳайдаб шағал тўкилган, машина юраверганидан ўйдим-чукур бўлиб қолган йўлга солди, серка йўл бошлади. Ўрин чўпон хотини чойшабага туғиб берган юкларини бирма-бир машинага ортди. Сўнг қорабайир отини эгарлади...
Ўрин чўпон тоғ этагидаги чорроқ жойдан шох-шаба билан айлантчириб ўраб, қўйларига кўра қилганди. Ёнидан вақтинча яшаб туришга мўлжаллаб очик айвонли бир хонали уй, уй бағирлатиб усти тўсилган, атрофи очик ошхона қурганди. У кўтонга оёқ босганида Абдалим шофёр юк ортлган машина кабинисидан ухлаб ётарди. Аслида, Абдалим шофёрни одамлар полдон деб қақиради. Келбатили одам. Ўрин чўпоннинг бўйинсиси, ёшлигида тўйларда бирга кураш тушиб катта бўлишган.
— Полдон ака, — қочирик қилди Ўрин чўпон, — отган хуррагингиздан тоғ гумбирлайди-я, қўйлар хурқаяпти...
— А, — Абдалим ака ўрнидан учиб турди. — Эй сени, одамни чўчқитдинг-да, сеник уйотсанг бўлмайдими?!
— Чўчқидим деганингга ишонди дейсанда-а, тур, ўчоққа ўт қала, кеча ўқтам қосибдан янги сўйилган қўй гўштидан олганман, чўпонча қовурдоқ қиламиз. Тоғнинг овқати бошқача-да...
Ўрин чўпон очик айвонга дастурхон тўзатди. Икки ошна кўрган-кечирганларини бир-бирига айтиб кўнгили ёзишди. Кун пешинга яқинлашганда:
— Ўрин, жўражон, энди менга рухсат, мен борай, Худонинг панойига, — деди Абдалим шофёр.
— Қолсанг бўларди, тоққа олиб чиқаман, бирор кун дам олсанг...
— Менга индама, берганимга рози бўл. — Абдалим шофёр Ўрин чўпоннинг гапини бўлди.

— Бирон гап бўлса чақиртираман, келарсан!..
— Хўп, жўра, хўп...
Аста-секин тоғ бағрига чўпонлар кела бошлади. Саккиз таёқ наридаги кўтонда тўхтаган ҳамқишлоғи овоз берди:
— Ўрин ака-ов, ҳов Ўрин ака. Келдингизми-а? Келинг-да, ака. Сизни кутаётувдим-да, икков қўйларни бирга боқсак, нима дейсиз-ов? Навбат-навбат хабар олиб турардик. Ўтган йили бир ўзимга қийин бўлди-да...
Эшимбой бу йил тоққа қор кўп тушганини эшитиб ташвишланганди, бундай ҳавода бўри ёмиш ахтариб паства энади...
— Майли Эшимбой, бир кишидан кўра икки киши яхши-да. Бу йил тоққа қор кўп тушибди дейишяпти, ўзи...
— Тушса тушар, иккита бўрибосар итим бор, бўри туғул айқини ҳам отарга яқинлаштирамайди!..
Тонг ёришар-ёришмас Ўрин чўпон Эшимбойни уйғотди, отарни тоғ ёнбағрига қараб ҳайдаб кетишди...
Ўрин чўпон атрофга разм солди, таниш жойлар, ёввойи ўтларнинг ҳиди димоқни қитқилади. Улар чорвани тоғнинг серўт жойига бошқариб қўйишди. Серка дегани сабрсиз бўлади, отарни тинч қўймайди. Сакрагани-сакраган. Ўзи шуниси яхши, қўй жонивор тоғ гиёҳларини чимдиб-чимдиб ёйди, шундан гўшти шифобахш...
— Эшимбой, қўйлар тепага энмаяптими?..
— Эниб-эниб ўтлайди-да.
— Майли-ку, қара, тоғнинг тепасидаги қор қалинга ўхшайди, совуғи билинапти...
— Бўрибосарлар бор, овоз берарди...
— Ўрин ака, мен яхшиман, бугун қўйлардан ўзим хабар оламан, — деди орадан ҳафта ўтиб. Аслида, ҳар кун қўйлардан Ўрин аканинг хабар олаётганидан Эшимбой уялганди. Кап-катта одамнинг адирда тош-шағал ошиб юришини кўриб, ўзининг навқирон келбатидан ранжиган бўлди, қомагани тик қилди, сўнг ерга эгилди, яна ростлади-да, гавдасини у ён, бу ёнга айлантди. Кейин:
— Кўрдингизми! — деди.
— Ҳали қувватинг йўғ-ов...
— Э-э, шу ваҳонда бир атрофни айланиб келай...
Ўрин чўпон ўчоққа қозон осди, яримлатиб сув қуйди, қўй гўштига аралаштириб гиёҳлардан солди, сиёҳ рангли пиёзни обдан тўғраб аралаштирди, қизил сабази солди. Картошкани пишар олди соладиган бўлди. Эшимбой учун бир шўрва қилиб беради деди, буни ичган отдай бўлиб кетади. Шўрва сувининг қайнаётган жой-жойидан тобини келтириб шоширди. Ўзи шўрва эътибор талаб, суви пишмас ширасиз бўлиб қолади. Шоширавериб одамнинг билаги толади. Лекин, нима деса ҳам, шўрва поримли, шифобахш овқат. Ўрин чўпон шу хаёллар билан ўчоққа қуруқ шохчалардан қалай бошлади.
— Ўрин ака! Ҳов, Ўрин ака! Бувёққа, чопинг!.. — деб Эшимбой ваҳимали овоз берди.

Жазво оёқлаётган пайтда Эшимбой белни захга олдириб қўйди, бели оз-оз чимдиб оғрийдиган бўлди. Арзимас кўринган шамоллашдан асорат қолса ёмон, давосини қилиш керак. Ўрин чўпон Эшимбойнинг белига тоғнинг асалидан синдириб суртди-да, пахталик рўмол билан айлантчириб боғлаб қўйди... Эшимбой ёнида Ўрин чўпон борлигидан севинди... Аммо, ҳадеб бир жойда ётавериш уни зериктирди:

Ўрин чўпон шошиб ўрнидан кўзгалди, қўлига илашган пуфайкасини кийди, бошқа ҳеч нарсага қарамади. Югурмоқдан бери бўлиб, тоғу-тошлар оралиб юқорига кўтарилиб борди.
— Ҳа-а, нима гап?
— Ана уни қаранг! Ана уни қаранг! Қаранг-да! Совлик сизникими дейман...
Ўрин чўпон қараса бир кулранг бўри бўғоз совлуқни бўғиздан тишлаб ағдармоқчи бўлапти. Бўрибо-

Ўрин чўпон сезди, ўзи қолди. Аввал овози борича бақириб бўрини ҳайдашга тушди. Ерда ётган шохчаларни қўлига олиб маҳкам сикди, ерга қаттиқ-қаттиқ урди. Бўри бошини хиёл қўтариб, илкис қараган бўлди. Буни кўрган Ўрин чўпон шохчаларнинг овози ваҳималироқ чиқсин деб янада қаттиқроқ силкитиб тошга урди, аммо шохчалар мўрт келди, белидан қарсиллаб синиб кетди. Қуролидан айрилган жангчидек, Ўрин чўпон-

Бўри бир қонга беланиб ётган қўйга, бир чўпонга қаради. Қўй энди ўзининг ўлжаси эканлигини хис қилди чоғи, Ўрин чўпонга қараб юрди. Гўё бўри бўлажак жанг олдидан рақибини ўрганиб бўлгандек эди. Ўрин чўпон чап оёғини олдинроққа қўзиб ерга маҳкамлади, ўнг оёғи билан тепишга шайланди. Бўри олд оёқларини ердан узиб, барабар кўтармоқчи бўлди, аммо баландлата олмади. Чамаси у ҳам чўпонни кўрқитмоқчи эди.
Бўрининг ҳаракатидан Ўрин чўпонга жон кирди. Белбоғини яна пайпаслади, ўрганиб қолган, пичоғини ахтарди, аммо... Ҳафсала қилди, пуфайкасининг чап енгини бармоғи учигача тушириб олди.
Бўри биринчи бўлиб ташланди. Ўрин чўпон бўрининг катта очилган оғзини кўриб сесканди, худди юздан тишлаб оладигандек, чап қўли билан юзини беркитиб олди. Бўри Ўрин чўпоннинг бўғизига тиш ботирмоқчи бўлди, чўпоннинг юзини тўсиб турган тирсаги бўрининг оғзига тикилиб қолди. Ўнг қўли билан бўрининг олд оёғидан ушлаб улқотирган бўлди. Бўри жон ҳолатда осмонга салчиди, Ўрин чўпон ваҳима ичида чап тирсагини йиртқич оғзидан ваҳоҳат билан тортиб олди ва ўнг мушти билан бўрининг кўкрагига қулочкашлаб туширди. Мушт зарбидан бўри ағанаб тушди, яна салчиб турди. Ўрин чўпоннинг оёқ-қўли қалтирай бошлади. Лекин бўрининг олдинги ваҳоҳатидан асар ҳам қолмаганди. У ортига тирсала бошлади. Унинг бу ҳаракати куч йиғиб, нафас ростлаб яна ташланмоқчидек кўринди чўпонга, кўркүв аломати унинг юзларида ҳам сезила бошлади. Аммо чўпон кутгандек бўлмади...
Бўри нолаваҳ улади, бошини сарак-сарак қилиб улади, осмонга бўйини чўзиб зорланди, тумшугини майда тош аралаш тупроққа ишқаб-ишқаб фиғон чекди. Қутилмаганда жониворнинг кўзларидан ёш сизиб чиқди. Томчларни Ўрин чўпон аниқ кўрди. Айниқса, оғзидаги сўлаги қон аралаш эканини билиб қолди чўпон. Иккиси ҳам турган жойида бир пас тўхтаб қолди. Сўнгра бўри гоҳ Ўрин чўпонга, гоҳ келган тарафига қарай-қарай, ортига чекинди...
Нима бўлганини аввалига Ўрин чўпон англолмади. Ҳаёлини бир жойга тўпалаб олганда, чап тирсагида қаттиқ оғриқ турганини хис қилди. Беихтиёр ўнг кафти билан тирсагини пайпаслади, шу пайт кафтини нимайда тирнагандек бўлди, не кўз билан кўрсинки, пуфайкаси енгидан бўрининг иккита суйлоқ тиши қадалиб турарди...
Ўрин чўпон қўшнингнинг қўйини ҳам унутиб бўрининг орқасидан анграйиб қаради. Бўри ҳали ҳам ўлжасидан умид узолмаётгандек эди, ортига ўхтин-ўхтин қараб кўярди. Аммо энди у ўлжача бошқа ташлана олмасди. Буни билган Ўрин чўпон унга ачиниб термулди. Ичиди: "Қари экан, бечора, энди нима қилади? Ким унга гўшт беради? Эҳ, шу қўйиними... — чўпон бошини ерга эгиб, ўзидан ғазабланган бўлиб, кўбратди. — Ўзи қарийди-да... қўшнингга ўрнига-ўрин берадим, битта кам бўлса кам эди-да... эҳ, жонивор... оч кетди-да...", — деди, нега шундай деганини ўзи ҳам англамади. Бўрига раҳми келдики ё кекса бўрига кўнгили тубидаги илиқ меҳр яна уйғонди, биллолмади...
— Чўпо-он, бардам бўлинг! — деган овоз келди орқа тарафдан.
Ўрин чўпон сергак тортиди. Қўшнингнинг совлиги ёнига борди. У аллақачон жон таслим қилган эди...

Кулранг бўри



— Ўрин ака, мен яхшиман, бугун қўйлардан ўзим хабар оламан, — деди орадан ҳафта ўтиб. Аслида, ҳар кун қўйлардан Ўрин аканинг хабар олаётганидан Эшимбой уялганди. Кап-катта одамнинг адирда тош-шағал ошиб юришини кўриб, ўзининг навқирон келбатидан ранжиган бўлди, қомагани тик қилди, сўнг ерга эгилди, яна ростлади-да, гавдасини у ён, бу ёнга айлантди. Кейин:
— Кўрдингизми! — деди.
— Ҳали қувватинг йўғ-ов...
— Э-э, шу ваҳонда бир атрофни айланиб келай...
Ўрин чўпон ўчоққа қозон осди, яримлатиб сув қуйди, қўй гўштига аралаштириб гиёҳлардан солди, сиёҳ рангли пиёзни обдан тўғраб аралаштирди, қизил сабази солди. Картошкани пишар олди соладиган бўлди. Эшимбой учун бир шўрва қилиб беради деди, буни ичган отдай бўлиб кетади. Шўрва сувининг қайнаётган жой-жойидан тобини келтириб шоширди. Ўзи шўрва эътибор талаб, суви пишмас ширасиз бўлиб қолади. Шоширавериб одамнинг билаги толади. Лекин, нима деса ҳам, шўрва поримли, шифобахш овқат. Ўрин чўпон шу хаёллар билан ўчоққа қуруқ шохчалардан қалай бошлади.
— Ўрин ака! Ҳов, Ўрин ака! Бувёққа, чопинг!.. — деб Эшимбой ваҳимали овоз берди.

сар итлар атрофига вакиллаб айланиб чопардио яқинига боролмасди. Чўпон бир лаҳза қараётган бўлиб қолди. Икки кўзи совлиқда. Билди, бу қўй ён қўшнисиники, бўри чавақласа атай қилгандек бўлади. Бориб бўрининг оғзидан тортиб олишга аввалига юраги бетламади. Бўри борки, ҳайбати бор. Ҳар қандай одамни кўркүв босади. Ён-верини пайпаслади. Шохганидан на пичоқни олибди, на таёғини, эҳ, аттанг! Бирдан ҳаёлига бўрилар ўлжасига яққа ҳужум қилмайди, гала-гала бўлиб ташланади, нега бу ёлғиз? деган ўй келди. Бирон бўри овга ярамай қолса сардори тўдадан ажратиб, ёлғиз-латади. Энди у ўзининг емишини ўзи топиши керак. Бу кулранг бўрининг қисматида бор эканини ё қарисимикини, яққалини қилибди. Назар солиб қаради, кўкши жуни баданининг ҳар-ҳар жойидан тўкила бошлаган. Чўпон билди, бўрининг дармони йўқ, анчадан бўён гўшт ёмаган. Тўйиб овқат ёмаганидан совлуқча ташланапти...
Ўрин чўпон тетиклашди.
— Эшимбой, берироқ кел, атрофга қара, менга бир заранг таёқ топ!
— Ўрин ака, мен қўшни отардагиларни чақирай, икковимиз эп-лолмаймиз-ов, — Эшимбой шоша-пиша адирлади...
— Эй, отангни гўрига... шошма!.. эй, сендай шерикнинг...

ни ваҳима босди, атрофига олазарак қаради. Бир амаллаб ўнг қўлига қиррали тош олди ва бўрига қараб отди. Қутилмаганда бўри ўлжа талашаётгандек, тишларини иржайтирди, паствади, чўпонга яқинлашди. Уларнинг орасидаги масофа қисқариб борди. Ўрин чўпон бўрининг кўзлари қонга тўлиб, қизариб кетганини, ҳадеб ижирганиб, ғижинаверганидан оғзидаги сўлаги гағидан паства оқиб тушаётганини яққол кўрди...
Ўрин чўпон билан бўри юзма-юз келди. Бўри ҳар нафас олганида икки биқини ичига ботиб, сўнг кўтарилиб чиқарди. Ваҳоҳат билан ташланишга пайт пайлаётгандек, жойида депсиниб-депсиниб кўярди. Сакрамоқчи бўлгандек кўкрагини ерга босиб яна илкис кўтариб оларди. Аммо сакрай олмади...
Ўрин чўпон қўлидаги қуриган шохнинг синигини даст кўтариб бўрига хезланди, бўри ҳамлага шайлангандек, лабларини тириштириб тишларини ғижирлатди. Кўнгилидаги ҳадик ҳали тарқамган Ўрин чўпон ҳам оёғи билан ерни бор кучи билан тепиб-тепиб қўйди. Унинг билгани шу — йиртқичнинг олдида тик турган маъқул, энгашиб ёки ўтириб қолса бўри ўзича тушунади, ҳужумга ўтади. Қочиб ҳам бўлмайди, бўри кўтуриб кетади. Бирпасда етиб олиб ғажиб ташлаши мумкин.

Фидойилар унутилмайди

Мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллиги муносабати билан пойтахтимиздаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви ташаббуси билан "Ватан фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмайди" мавзуида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.
Гулчехра КАРИМОВА
Урашувда "Нуроний" жамғармаси вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг кўксалар ва нуронийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари, ёзувчи-шоирлар ҳамда ўқувчилар иштирок этди.
— Ҳозирги авлод вакиллари, жумладан айрим ёшлар миллий қадрият ва аъна-

лари, тўкилган қонлари, бой берган жонлари эвазига қўлга киритилган. Маърифатпарвар, халқпарвар, ватанпарвар аждодларимизнинг жасорати ва шижоатини ёшларимизга ўрнак қилиб кўрсатсақ арзийди.
Урашувда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Наим Каримов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Сайди Умиров, Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори Бахтиёр Ҳасанов, меҳнат фахрийси Искандар Раҳмонов, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мухтор Расулов ва бошқалар бундай мулоқотлар ёшларда Ватанга муҳаббат, шукроналик, кексаларни эъзозлаш туйғуларини шакллантиришга жўмаклашишини алоҳида таъкидлашди.

Хуқуқий маслаҳат

— Бу йилги пахта йиғим теримида ўқувчилар ва талабалар жалб қилинмас экан деб эшитдим. Айтинг-чи, маҳалла ва мактаб худудларини тозалаш, мақалатура йиғиш каби ишларга ҳам барҳам бериладими?
Тошкент шаҳридан Л.Бекмуродова.
— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикасида мажбурий меҳнатга барҳам беришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, мажбурий меҳнатнинг барча турлари, яъни фуқароларни, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларни мажбурий меҳнатга, шу жумладан туман ва шаҳарлар худудларини ободонлаштириш ҳамда кўкжалмазорлаштириш ишлари, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишлари, металл чиқиндилари ва мақалатура йиғиш, шўннингдек, бошқа турдаги мавсумий ишларга жалб қилиш ҳолатларига чек қўйилди.
Умуманал ҳашири фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжати ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори мавжуд бўлганда меҳнатни муҳофаза қилиш ва ҳавфсизлик нормаларига қатъий риоя этилган ҳолда ўтказилади.
Маҳалла худудида ободонлаштириш ва кўкжалмазорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, моддий-маданий мерос объектларини зарур ҳолатда сақлаш, қабристонларни кўриб, реконструкция қилиш, таъмирлаш ҳамда зарур ҳолатда сақлаш ишлари эса аҳолининг ихтиёрий иштирокида ташкил этилади.
Конституцияимиз ва бошқа қонун ҳужжатларида фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлангани, ҳар қандай шаклдаги мажбурий меҳнатдан фойдаланиш, бирон-бир жазо қўлланиши

билан кўрқитган ҳолда ишларни бажаришга мажбурлашни тақиқловчи нормалар мустаҳкамланганини эътиборга олиб, фуқароларни, хусусан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси, бошқа бюджет ташкилотлари ходимларини, талабалар ва таълим муассасалари ўқувчиларини мажбурий жамоат ишларига бевосита ёки бевосита жалб қилган мансабдор шахсларга нисбатан қатъий интизомий чоралар кўрилади.
— Отам ўзи яшаб келаётган ҳовли-жойини менга васият қилиб қолдириш ниятида. Лекин мен отам ўтиб кетгандан кейин ака-сингилларим томонидан келишимовчиликлар пайдо бўлмайди деган ҳавотирдаман. Айтинг-чи, бугунги кундаги нотариат соҳасидаги ислохотлар бу каби муаммоларнинг олдини олиши мумкинми?
Бўжоро вилоятиндан Н.Асадова.
— Бугунги кунда фуқароларнинг мерос масаласидаги турли муаммолари ҳуқуқий ечим топмоқда. Аксарият ҳолларда мерос талашиб, васиятномани имзолашда отам ёки онам ақлу хуши жойида эмас эди ёки васиятнома отам(онам) имзо қўймаган, уларнинг имзоси бошқача, бу сохта имзо деган вақтлар келтирилади. Президентимизнинг 2018 йил 25 майдаги "Низоларнинг олдини олишга қаратилган институт сифатида нотариат тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, эндиликда васиятнома ва бундан ташқари, фуқароларнинг жисмоний нуқсонини, касаллигини туфайли ёки бошқа сабабларга биноан, нотариал ҳужжатларини унинг топшириғига кўра, унинг ўзи ҳамда нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро томонидан имзоланиш жараёни аудио ва видеотасмага туширилади ҳамда булар келажақда низо чиқса, далил сифатида ишлатилади.
Саволларга Адлия вазирлиги мутасаддилари жавоб берди.

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигига

Жаҳон миқёсида танилган буюк адиб ва йирик жамоат арбоби Чингиз Айтматовнинг шахси ва ижоди билан энг кўп танишган, унинг асарларини севиб мутолаа қиладиган халқ ўзбеклар бўлса керак, десам, сира муболаға қилмаган бўлман. Чунки юртимизда Чингиз оға асарлари кириб бормаган хонадон йўқ ҳисоби.

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

Фарғона давлат университети профессори, филология фанлари доктори

Адиб ҳаёти ва ижоди мамлакатимизда умумтаълим мактабларининг кўйи синфларидан то лицей ва коллежлар ҳамда олий ўқув юрталарининг ўқувчию талабалари томонидан чуқур ўрганилади. Дастлаб, "Оқ кема" қиссаси билан танишган ўқувчи, уни шубҳасиз, ота-онасига ҳам айтиб ёки ўқиб беради. Кейинроқ "Жамила", "Сарвақомат дилбарим" қиссалари ҳамда "Асрни қаритган кун", "Қиёмат" романлари билан танишган, ёзувчи ижодига қизиқиши янада ортади ва албатта, бутун оила аъзолари билан бошқа асарларини ҳам топиб ўқиш ҳаракатига тушади. Шуқри, Чингиз Айтматовнинг барча асарлари Асил Рашидов, Иброҳим Фафуров, Суяюн Қораев, Маҳкам Маҳмудов, Нурали Қобул, Набижон Боқий, Ёқубжон Хўжамбердиев каби таржимонлар томонидан юксак маҳорат билан ўтирилиб, ўқувчиларга ўз вақтида етказилган.

Чингиз Айтматов XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, аввало, Ўрта Осиё ва Қозоғистон, қолаверса, бутун Шарқ халқлари адабиёти ва санъатини тубдан янгилаш, чинакам халқчил, прогрессив, жаҳоннинг ривожланган адабиётлари қаторига қўшиш нияти билан кириб келди, яшади ва ишлади. Бу борада биринчи галда ўзи намуна кўрсатишга киришди. Бунинг учун инсониятнинг мангу қийнаб келаётган, аммо жамият тазйиқи остида айтиш мумкин бўлмаган мавзу ва муаммоларни, янгича қиёфа ҳамда қарашга эга кишилар образини яратишга уринди. Адиб инсоннинг жамиятдаги ўрни, мавқеи, эмин-эркин яшashi, қилган меҳнатидан ҳам жисмонан, ҳам маънан қониқиши, кўнгли истиғнага кўра севиш ва севилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарурлигини англади ва уларни адабиётга дадил олиб кирди. Шу боис ҳам ёзувчининг қаҳрамонлари анча-мунча қолиқларга симамайди.

Мана шу фазилатларига кўра, Чингиз Айтматов ижоди юртимиздаги оддий китобхонлар онги, дунёқарashi, ҳули ва турмуш тарзига жиддий ихобий таъсир кўрсатди, уларни ҳаётда учрайдиган қийинчилик ҳамда тўсиқларни ақл ва матонат билан енгиб ўтишга ўргатди. Чунки адиб асарларида тасвирланган воқеалар, чизилган манзаралар, яратилган персонажлар тақдирини худди ўзимизнинг ҳаётимиздан олингандек яқин ва тушунарли экани билан қимматлидир. Айни пайтда Чингиз Айтматов қоламага олган мавзу, муаммо ва воқеаларнинг ўзбек адиблари асарларига ўхшashi, ҳаммаунлиги, ўзининг гоёвий йўналиши, бадийлиги, ниятлари яқинлиги, эзулиги билан ҳайратга солади. Бунинг сабабларини асли қадам туркий халқлар авлоди бўлган ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркманларнинг тили, дили, дини, турмуш тарзи ва тарихи бир хиллигиндан излаш тўғрироқ бўлади. Шу боис, уларнинг адабиёти ва маданияти ҳам бир-бирига яқиндир.

Бинобарин, икки халқ адабиёти ўртасидаги муштараклик, ҳаммаунлиги ва ўзига хослики Чингиз Айтматов ижоди мисолида ўзбек адиблари асарларида тасвирланган ўхшаш воқеалар ҳамда қаҳрамонлар тақдирини билан ўзаро қўйлаш, улар ўртасидаги фарқли томонлар ва ечимнинг ўзига хослигини тадқиқ этиш, уларнинг қондошлик ва қардошлик илдишларини аниқлаш, чуқурроқ очишга уриниш ҳозирги адабиётшунослигимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидандир. Бу улкан вазифанинг кичик бир бўлаги сифатида Чингиз Айтматов ва ўзбек адиблари ижоди ўртасидаги яқинликини кўйидаги йўналишларда ўрганишни мақсад қилдик:


- 1) сарда ифодаланган мавзу ва муаммолар яқинлиги;
 - 2) қаҳрамонлар тақдирини ўхшашлик ва фарқлар;
 - 3) воқелик баёни ва ечимдаги муштараклик ҳамда ўзига хослик.
- Ешлиги Иккинчи жаҳон уруши йилларида тўғри келган Чингиз Айтматовнинг ижодий меросида уруш мавзуси алоҳида ўрин тутди. Бу ҳақда адибнинг ўзи бундай деган эди: "Менинг ўспиринлик ва ёшлик чоғларим уруш ва ундан кейинги илк йилларга тўғри келганди. Ўн тўрт ёшимда овул советига котиблик қилдим, сўнг

солиқ йиғувчи бўлдим. Буларнинг ҳаммаси катта синов тариқасида мендан, менинг мурғак руҳиятимдан сизиб ўтди. Мен одамларни ўша уруш ва урушдан кейинги йиллардаги оғир вазиятларда кузатдим ва ўзим ҳам чекимга тушган насибамни тотдим".

Дарҳақиқат, ўз даврида кўрган-кечирганлари адибнинг "Юзма-юз", "Жамила", "Сомон йўли", "Эрта қайтган турналар" қиссаларида маҳорат билан тасвирланган.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида яратилган бу асарларда илгари суртилган гоё, тасвирланган мавзу, муаммо, танланган қаҳрамонлар тақдирини, воқеалар ечимини, қарангки, ўзбек ижодкорларининг айни шу йилларда дунё юзини кўрган асарлари билан гоётда ҳаммаунлиги экан! Масалан, Чингиз Айтматов бундан "Биринчи муаллим" қиссаси билан танилган йиллари ўзбек ўқувчилари Парда Турсуннинг "Ўқитувчи", Мирзақалон Исмоилийнинг "Фарғона тонг отгунча" романларидаги ўзбек халқининг биринчи фидойи муаллимлари Элмурод ва Ғулможон билан танишган эди. Кейинроқ улар қаторига Йўлдош Шамшаровнинг "Чироқ" романи қўшилди. Уруш ту-

қирғиз ва ўзбек адабиёти намуналарида акс этган. Бу жиҳатдан Чингиз Айтматов яратган Жамила ва Дониёр қисмати билан Ўткир Хошимовнинг "Икки эшик ораси" романидаги Зухра ва Нозим тақдирларини таққослаш ибратлидир. Уларнинг қилмиши бир-бирига жуда ўхшаш кетса-да, "айбдор"ларга муносабат, воқелик ечимини бутунлай бошқача, ҳар бир миллатнинг урф-одатига хос равишда ҳал этилади. Характери жиҳатидан хийла шаддод, ўзини опқочиб келган эри Содикнинг ўтли муҳаббати ва эркалашларини тўла хис этолмаган Жамила шунчаки чўлоқ, индамас, тўнг, аммо жарангдор овози ила қалби тўла муҳаббатни бутун оламга ҳайқилиб айта олган Дониёр билан ихтиёрий равишда қочиб кетади. Зух-



Қадрли ва суюкли

файли оғир меҳнат фронтинида ишлаб, ота-оналарнинг юқини енгиб қилган болалар тақдирини акс эттирилган "Эрта қайтган турналар" қиссаси билан олдинма-кейин дунёга келган Одил Ёқубовнинг "Тенгдошлар", "Эр бошига иш тушса" каби асарларида ифодаланган воқеалар, қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари худди эгизакдек таассурот қолдиради. Бундай ўхшашликлар ўзбек ва қирғиз халқларининг азалдан ёнма-ён яшагани, бир мақсад сари интильгани, яхши-ёмон кунлар захматини биргаликда тотганининг бадийи олдидир.

Уруш йилларида шўролар ҳукуматининг муштамакаси сифатида энг оғир кунларни Ўрта Осиё республикалари халқлари бошдан кечирдилар. Фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак, пул ва ҳатто қурол-яроғ билан таъминлаш ҳам ана шу халқлар зиммасига тушгани бутун барчага аён. Чингиз Айтматов ўзининг уруш мавзусидаги асарларида биринчи бўлиб фронтдан йироқда бўлган худуд кишиларининг жамият сиёсати муносабатини реал очиб беришга муваффақ бўлди. Коммунистик мафкура совет кишининг идеал образини яратиши талаб қилиб турган бир пайтда Чингиз Айтматов билан Саид Аҳмад "Юзма-юз" ва "Уфқ" китобларида адабиётга "қочоқ аскар" образини олиб кирди. "Қочоқ аскар"ларнинг ҳолати, тақдирини, уларни асраб-авайлаган ақилларининг руҳий ҳолати, ўзини ва ўзлигини намойиш қилиши ҳар бир санъаткор томонидан ўз гоёвий нияти, қаҳрамон характери-нинг бадийи йўналиши, дунёқарashi ва маҳорати нуқтани назардан ўзига хос тарзда ишонарли таҳлил этилган.

Масалан, уруш тақдирларига муҳим ўзгартириш киритган Саида ("Юзма-юз" қиссаси) ҳам, Жаннат хола ҳам ("Уфқ" романи) даставвал эри ва тилаб олган битта-ю битта ўғлининг фронтдан қочганини кечиради, уларни астойдил парвариш қилади. Исмоил ва Турсунбой эса бундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади, кундузи яшириниб, кечаси кабиҳ ниятларини амалга оширишга уринади. Уларнинг барча инжиқликларига чидаб, бардош билан яшаган аёлларнинг сир сақлаш имконияти тобора торая бошлади. Натижада эрининг зарарқунданлигидан безган Саида Исмоилни ушлаб беради, Жаннат хола эса қуя-қуя вафот этади.

Урушнинг энг қизғин, фронтти жаҳбасининг энг оғир кунларида жанг майдонларида жон олиб-жон бераётган эрларга хиёнат қилиб, очқандан-очқиб бегона эркалар билан қочиб кетган аёллар образи ҳам

ранинг қилмиши эса бошқачароқ акс этади. Опаси Фотима билан Битта оилага келин бўлган Зухранинг эри Зокир ҳам акиси билан фронтга кетган. Аммо ундан "қора хат" келган. Келин эса миллий ахлоқ мезонларига кўра лом-мим демай яшаб юрибди. То қайнота-қайнона рози бўлиб жавоб бермагунча бу уйдан кетишга ҳаққи йўқ. Бироқ унда ҳам кўнгли бор, ҳис-туйғу бор. Қутади-ган илнжи қолмаган аёл фронтдан ярадор бўлиб қайтган қўшни қишлоқлик бир аскар йигит билан аҳд-паймон қилиб, уйдан чиқиб кетди. Уларнинг бу қилмиши тўғри эдимиз? Нега улар эрини (Зухра эса илди муддатини) кутмасдан қайдан келгани номаълум кимсалар билан кетаверди? Бу оилага хиёнат эмасми?!

Аслида, аёлларнинг бу вафосизлиги жиддий муҳомамага, айблашга ва кескин хулоса чиқаришга арзийди. Аммо мутафаккир адиблар бу масалада ўзини холис тутдилар. Ч.Айтматов Жамиланинг қилмишини баҳолашни воқеага бевосита гувоҳ бўлган ҳикоячи Сеит, овул ахли ва ўқувчилар ҳужими ҳавола қилади. Келинбоисини қораламаган биргина Сеит эди, холос. Ўзи ҳам сеити қошонасига илк қадам қўётган бу ўқувчи йигит улар тўғри иш қилди, деган хулосага келади. Бироқ қишлоқ ахли ёппасига Жамилани қоралайди: "Ахмоқ-да! Ақли бўлса туз ичган жойига туғлаб, санки юрган бир мусофирга эргашиб кетармиди?". "Унинг нимасига қизикди экан? Эски шинели билан тешик этигидан бўлак ҳеч балоси йўқ эди-ку! Уйи йўқ, жойи йўқ, насл-насаби бетайин бир дайди-да! Майли, уволди ўзига, ҳали атванг дейди... Бу танноз хотиннинг ҳолини ўшанда кўрамиз." "Тавба, Содикдан ортиқ эрини топиб бўпти. Ўзига ўзи қилди, жувонмарг!".

"Икки эшик ораси" романидаги Зухра билан Нозимнинг "бузуқлик" қилиб, қўлга тушгандан кейинги ҳолати Оқсоқолнинг ҳовлисида кўпчилик томонидан муҳомама қилинади. Бу ерда ҳам айбдорларнинг қилмишига қарашлар турлича: бу ҳикояда ҳам "айбдор"лар ўртасидаги самимий ва покиза сеитига гувоҳ бўлган ўқувчи йигит Олимжон тўла ёқлайди, тракторчилар бригадасининг бошлиғи Башорат опа билан Парча опа ҳам Зухра тарафда. Қора амма, қайнонаси Холпош хола, опаси Фотима учун "Зухра ўлгур бузуқ!" Ҳовлига тўпланган "Оломон ҳам (уларга) еб қўйгудек бўлиб тишини гижирлар, мункиллаб қолган чоллар, асабий қалтираётган хотинлар худди нопок, шилимишқ нарса баданига тегиб ҳаром қиладигандек ирганиб" қарарди.

Агар Жамила ҳеч ким билан ҳисоблашмай, ўз ихтиёри билан Дониёрга эргашиб овулдан бош олиб кетган бўлса, Зухра ва Нозимжонлар тақдирини доғиманд Ориф оқсоқол томонидан шарият қоидаларига биноан ижобий яқун топади. Бир хил воқеликнинг икки хил ечимини адибларнинг ўзига хос бадийи-концептуал мақсадидан келиб чиққанлигидир.

Чингиз Айтматов ижодининг ўзбек адабиётига таъсири ҳақида гапирганда, аввало, икки адабиётда яратилган қаҳрамонлар характеридаги ўхшашлиқни эътиборга олиш лозим. Чингиз оғанинг "Алвидо, Гулсари" ва Тоғай Муроднинг "От кишинаган оқшом" қиссаларини инсоннинг ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлигини йўқотмаслиги, одамийлигини бой бермаслиги, гайринсонийликка қарши курашиши, ақл-фаросат билан иш тутиши, ҳар қандай иллатни дадил фош этиши, жисмоний кучни жилавляб, маънавий

Ҳинд сори юзланмоқ шарафдир

Ўзбекистоннинг дўстлари кўп. Қатор давлатлар билан муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ҳар бир ҳамкор мамлакат билан алоқаларимиз ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлиб, улар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Масалан, Марказий Осиёдаги қўшниларимиз ҳақида сўз очилса, "Биз бир қўшнинг икки қанотимиз", деймиз.

Музаёна МАШРАБХОН

Бу муносабатларнинг барчаси жуда қадрли. Аммо Ҳиндистон ҳақида гап очилса, одам бошқача энтикиб кетади. Бобуршоҳнинг иккинчи ватани бўлган ушбу сеҳрли ўлка энг кўна фалсафаси, бой тарихи, ўхшаш йўқ аънавалари, нафис адабиёти, қиёси топилмас маданияти ва санъати билан онг-шууримизда эҳтирос уйғотиб, дунёда муҳаббат, садоқат, ҳалоллик муқаррар галаба қозонишига ишончимизни мустаҳкамлайди.

Кўпчилигимиз ҳинд фильмлари, ҳинд мусикаси ва рақси билан улғайганмиз. Тўғри, бошқа мамлакатларнинг мусика ва кинематографиясида ҳам аjoyиб асарлар мавжуд. Лекин Ҳиндистон ижодкорлари қандайдир айро жозибига эга.

Ҳиндларнинг бизга, айнан Ўзбекистон ва ўзбекларга муносабати ҳам ўзгача. Эслаб кўрайлик: шўро давлати жуда қаҳрли империя эди, ҳеч ким билан муносабат қуришга йўл қўймасди. Шундай мураккаб шароитда "Минг бир кеча"нинг дурдоналаридан бўлган аjoyиб эртақ ҳақидаги "Али Бобо ва қирқ қароқчи" фильмининг Ҳиндистон айнан Ўзбекистон билан бирга ишлади. "Севги афсонаси" фильми тўғрисида ҳам шунини айтиш мумкин.

Ўз даврида Ботир Зокиров ва Луиза Зокирова ижросидаги "Мечали" қўшиғини ҳиндлар кўз ёши билан тинглаган. Бу ўринда қизиқ воқеа ёдга тушади. Икки ижрочи қўшиқни худди муҳаббат бобидаги айрилик шаклида қўйлайди. Лекин бир ҳинд санъаткори бу овул ва ҳижрон қўшиғи эмас, она билан унинг сувага оқиб кетаётган боласи тўғрисидаги фожиа, уларнинг сўнги нолалари эканини айтади. Агар Ботир Зокиров Ўзбекистондан бўлмаганида, унга бундай маслаҳат беришмас эди. "Қўшиқни бир айтиди-қўйди-да" деб ижро шаклини тузатишга ҳаракат қилмаган бўлардим", деган ўша ҳинд санъаткори.

Ўзбекистон шўро давлатининг маданий маркази эмас эди. Шунга қарамай, Болливуднинг энг катта қолдузи бўлган Раж Капур Ўзбекистонга кўп келарди. Бошқа жойга бормасди. Бунинг алоҳида таъкидлаш керак. Эеро, унинг таърифида ушбу узоқ йилларда ҳам Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига ҳиндлар бошқа кўз билан қараганидан дарак беради.

Сийсий жиҳатдан олганда ҳам Тошкент — Деҳли мулоқоти анча аввал қарор топганини кўрамиз. 1966 йилда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги тинчлик музокаралари Тошкентда бўлиб ўтган. Уша

йили 10 январь куни урушга чек қўювчи Тошкент декларацияси имзоланган.

Ваҳоланки, бу музокаралар шўро давлатининг пойтахтида ўтиши, машҳур декларациянинг номи ўша шаҳар номи билан аталиши мумкин эди.

Афсуски, сулҳ тузилган куннинг эртасига Ҳиндистоннинг иккинчи Бош вазири Лаъл Баҳодур Шастри Тошкент шаҳрида вафот этди. Лекин Ўзбекистон расмий таъзия билан чекланмади. Тошкентда Лаъл Баҳодур Шастри ҳайкали барпо этилди, энг катта кўчалардан бирига унинг номи берилди. Муболаға бўлмайдиган гап: Тошкентда Шастри кўчасини билмайдиган одам йўқ.

Бугуннинг гапини айтадиган бўлсак, биргина мисол билан чекланамиз. Йил сайин нуфузи ортиб, таъсир доираси кенгайиб бораётган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига Ҳиндистоннинг қўшилиши айнан Ўзбекистон билан боғлиқ. 2016 йил Тошкентда бўлиб ўтган ШХТ саммитида Ҳиндистон Республикаси расман ушбу ташкилот сафидан жой олди. Айтиш керакки, Деҳлининг бу эзгу орузи амалга ошиши учун Тошкент кўп сайёҳаракат қилди.

Ҳиндистон ҳақида гап кетганда, буюк темирзода Мирзо Бобур тўғрисида сўзлашмаслик мумкин эмас. Халқларимизнинг тарих, адабиёт, мусика, рассомлик ва мейморлик борасидаги кўпдан-кўп мероси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бунинг негизинда Бобуршоҳ ва бобурийларнинг ҳаёт ва фаолияти муҳассамдир.

Бугун Деҳлига борасизми, Мумбайгами ёки бошқа шаҳаргами, Ҳиндистондаги энг сара меҳмонхона, ресторон, савдо мажмуалари "Тож Маҳал" деб аталишини кўрасиз. Бобуршоҳ ва унинг авлодлари барпо этган, улардан аввал ва кейин ҳинд халқи қўрган иншоотлар кўп эканига қарамай, Тож Маҳал Ҳиндистоннинг энг машҳур дурдона-обидасига айланган. Уни "янги етти мўъжиза"дан бири, деб ҳам атайдиларки, бунинг асло инкор этиб бўлмайди.

Бу қадр яқин ва қадрдон мамлакат билан ҳамкорлигимиз бугунги кунда янги замон талаблари асосида ривожланиб бормоқда. Қўшма корхоналар сонини, товар айирбошлаш ҳажми, халқаро майдондаги сийсий ҳамкорлик тўғрисидаги барчага маълум масалаларга, ўйлашимизки, тўхталашнинг ҳолати йўқ. Фақат бир ишончини таъкидлаш мумкин: бизнинг муносабатларимиз ҳаминша юксак погоналарда бўлган ва шундай бўлиб қолаверди.

Аниги шуки, ҳинд сори юзланмоқ юзқаролик келтирмайди. (ЎА)

Соямиз қўшилар суман гулида

Адиба УМИРОВА

Сизни билмадимۇ менга танишдек
Уфқ ортидаги пуштиранг йўллар.
Кўзим дарёсида яшаётгандек
Нурларга ғарқ бўлиб неча минг йиллар.

Айни шу лаҳза ҳам ёруғ сирларга
Кўмилган дунёга келганман бирров.
Қонимдан то ўтли нафасимгача
Кўксимни куйдирар ишқ деган олов!

Санобар тушлардек бариси аён,
Оққушлар руҳимни уйғотар огоҳ.
Қачондир елкамда қанот бўлганим
Менга эслатади осмон баногоҳ.

Ноумид эмасман агар айрилсак,
Соямиз қўшилар суман гулида.
Қайсидир ҳаётда яна учрашсак,
Балки сўзлашармиз қушлар тилида!



Сарвар МАМБЕТОВ фотоси



«ТРАСТБАНК» хусусий акциядорлик банки

1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР кунини муносабати билан гўзал Ўзбекистонимизда фаолият юритаётган барча устоз ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!

Ушбу қувончли кунларда машаққатли, олийжаноб, профессионал ва фидокорона касблари орқали минглаб шогирдларнинг ҳаёт йўлларини танлашларида кўмакдош бўлган Устоз ва мураббийларга ўз миннатдорчилигини изҳор этади!

Уларга узоқ-умр, мустаҳкам соғлиқ, ёрқин бахт-саодат ва олийжаноб фаолиятида улкан зафарлар тилайди. Ватанимизнинг осмони доимо мусаффо, қилбларингиз доимо қувончга лиммо-лим бўлсин!

Хурматли устозлар!

Байрам муносабати билан

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки

Сиз, азизларга турли мақсадлар учун

36 ОЙ МУДДАТГА, йиллик 25 ФОИЗДАН

“МИКРОҚАРЗ” хизматларини тақдим этади.

Микроқарз нақд пулда ёки пластик картага маблағ ўтказиш йўли билан миллий валютада ажратилади.

Микроқарзни расмийлаштириш учун банкнинг барча филиалларига ёки батафсил маълумот олиш учун куйидаги

телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

“ТРАСТБАНК” – ишонч билан юзма-юз!

(+ 998 71) 244-14-53; (+99871) 140-00-88
www.trastbank.uz

35/5 Хизматлар лицензияланган



Агробанк қулай ва даромадли бўлган «ЭЪТИБОР» омонат турини таклиф этади!

Омонат фоизи ва муддати

- ▶ **фоиз ставкаси – йиллик 16 фоиз**
- ▶ **омонат муддати – 13 ой**

Омонат очиш учун минимал талаб –
5 миллион сўм. Омонатга қўшимча
маблағ қўшиш мумкин эмас.

Ушбу омонатга маблағлар нақд пулда,
пластик картадаги маблағлар ҳисобидан
ҳамда муддати тугаган омонатларни қайта
расмийлаштириш орқали қабул қилинади.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда
пластик картангизга ўтказиб борилади.

Агробанк омонатлари Сиз учун!

/AgrobankChannel

Агробанк Мобил иккомасини қўлаб олинг

www.agrobank.uz

тел. (+99871) 203 88 88

/agrobankuzbekistan

Агробанк

Агробанк

Хизматлар лицензияланган

HURRIYAT

Бош муҳаррир
Қулман ОЧИЛ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 – рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ, Бичими – А-2. Баҳоси келишилган нархда

Ахборот ҳамкорлиги:
Ўзбекистон
матбуот ва
ахборот агентлиги

Тахририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.

Телефон:
(0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг
булими: (0-371) 244-32-88

Тоштин вақти – 20⁰⁰
Тоштинли – 18⁰⁰

Индекс: яққа
обуначилар ва
ташкilotлар
учун – 233

Манзил: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва дизайнер Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Юсуф Журасев

“O‘zbekiston” НМИУ бошмахонасида chop этилди.
Бошмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.